Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 29 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 42-43(7136)

Da`vat

Озод бўлсанг —
озод бўл,
Эркин бўлсанг —
эркин бўл,
Мустақил бўлсанг —
мустақил бўл!

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Бўка туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги (раиси Сайфиддин Сайдуллаев) худудидаги 35, 36,37-мактабларда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар харид қилиш учун 400000 сўм маблағ ажратди.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Японияниng экспорт-импорт банки бошқарувчиси Хироши Ясудани қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Шавкатбек Ғуломович Иброҳимов Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсарой қароргоҳида Россия Федерациясининг «Газпром» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рем Вяхировни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Навоий вилояти Навоий шаҳри таркибидаги Кармана туманини ташкил этиш тўғрисида Фармон чиқарди.

• Украинанинг Донецк вилоятидаги кўмир конларидан бирида содир бўлган кучли портлаш натижасида 60 нафарга яқин кончи ҳалок бўлган.

• Ҳиндистон ва Покистон ҳарбийлари ўртасида, айниқса, Кашмир водийсидаги Карчил секторида бўлиб ўтган ниҳоятда аёвсиз жанглар натижасида икки томон ҳам катта талофот кўрган.

• ХХР тарихида биринчи маротаба хитойлик мутахассислар Арктикадаги Шимолий қутбга экспедиция уюштириш ниятида. Унинг таркибига 50 нафар олим ва 20 нафар журналист киради.

СОҒИНЧ

Оппоқ-оппоқ дунёлардан адашиб,
Мен бугуннинг сарҳадларига келдим.
Митти юракчамда тошарди шодлик,
Унда қорагина шўх бола эдим.

Бир пайтлар кенг эди бу ёруғ олам,
Осмонга узатсам етгудай қўлим.
Тунлар пешонамни силарди онам,
«Сирлар оқартирди сочларим, ўғлим».

Ўн икки ой эди унда баҳорлар,
Кунларнинг, тунларнинг сурати-кулгу.
Отам қўй ҳайдарди туриб саҳарлар,
«Ўғлим тур ухлама, биз ухладик-ку!»

Пойимда жон берди минглаб кечалар,
Йиллар ёғаверди бошимга —жола.
Бир куни йўқотдим, сени йўқотдим,
Қай бекатда қолдинг қишлоқи бола.

Оппоқ-оппоқ дунёлардан адашиб,
Мен бугуннинг сарҳадларига келдим.
Митти юракчамда шодлик тошганда,
Мен бир қорагина шўх бола эдим.

Алишер НАЗАР

Ишлар яхши, муаммолар ҳам йўқ эмас
2-бет

Олий таълим йўналишида қўлланиладиган дарсликлар рўйхати
3-бет

Тарих огоҳлантиради
4-бет

Фикр тарбияси ва мустақил фикрлаш
4-5-бетлар

Мирзо Салимбек ҳақида эшитганмисиз?
5-бет

Оиламиз пойдевори мустаҳкамми?
6-бет

ДУНЁ БОЛАЛАРИНИНГ ҒАМХЎРИ

— UNICEF - бу нима?

— Бу ...

Демак, бу ҳақдаги маълумотларимизни оширишимиз керак экан. UNICEF Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1946 йил 11 декабрдаги биринчи сессиясида бир овоздан ташкил этишга келишиб олинган, ўша вақтдаги БМТнинг фавқулодда Болалар Фондидир. Ташкилот ўзининг илк йиллардаги фаолиятини урушдан сўнгги Европа ва Хитой болаларига озиқ-овқат, дори-дармон етказиб беришга йўналтирганди. БМТ Мандат ислоҳоти қоидаларига мувофиқ, 1950 йилдан UNICEF ривожланаётган мамлакатлардаги болалар муаммоларига масъул этиб белгиланди. Орадан уч йил ўтиб, БМТнинг қарори билан UNICEF БМТ таркибида Болалар фонди сифатида доимий орган этиб қолдирилди.

Хўш, ушбу нуфузли халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги қачондан бошланган? Мамлакатимизда UNICEF фаолиятини нималарда кўришимиз мумкин?

Ушбу саволларга UNICEFнинг республикамиздаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Руди Родригес атрофлича жавоб берди.

— БМТ Болалар Фонди (UNICEF) Ўзбекистонда 1994 йилнинг 1 мартидан бошлаб фаолият юрита бошлади. Ўтган беш йил давомида ҳукуматингиз билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар ишлаб чиқдик. Амалий ёрдам кўлами ҳам йилдан-йилга ортиб бораяпти.

Қорақалпоғистон Республикасидаги бир нечта мактабларга тўрт йилдан буён бепул ўқув қуроллари тарқатяпмиз. Шунингдек, Оролбўйи минтақасида тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжни инобатга олиб, айрим мактабларга махсус баклар ёрдамида ичимлик суви келтиришни йўлга қўйдик.

Шу йилларда минтақага хос бўлган касалликлар, жумладан болалар ўртасидаги шол (фалаж) касаллигини умуман йўқ қилдик, 1 ёшгача бўлган болалар ўлимининг бир ярим баробарга камайишига эришдик.

Эндиги вазифаларимиз - болаларни интеллектуал салоҳиятларини ўрганиш, дастурлар яратиш ниятимиз бор.

— Ўзбекистонда болалар муаммоларининг қайси жиҳатларини характерли дейиш мумкин?

— Юртингизда болалар муаммоларини ўрганиш қийин. Нега дейсизми? Сабаби – бу ерда статистика ривожланган. Маълумотлар кўп. Уларни қиёслаш, таҳлил қилиш, хулоса ясаш ҳамма вақт ҳам осон кечавермайди. Мени қойил қолдирган жиҳат эса, юртингизда етим боланинг ҳеч қачон қаровсиз, ёлғиз қолмаслигидир. Унинг бошида ҳамиша қайсидир меҳрибони, ҳеч кими бўлмаган тақдирда уни сўроқлайдиган жамияти, давлати бор. Бу камёб ҳодисадир.

— UNICEF нинг Болалар куни муносабати билан ўзбекистонлик болаларга қандай туҳфалари бор?

— Биз шу куни барча кичкинтойларни гўзал Тошкентнинг марказий ва энг сўлим хиёбонларидан саналмиш Мирзо Улуғбек номидаги истироҳат боғига таклиф этамиз.

Ўйлаймизки, улар бу ердан олам-олам қувончу шодлик олиб қайтадилар.

Суҳбатдош: Норали АСЛОН

Ўқитувчи ёнг дафтарига

МАКТАБГА ҲАММА БОРАДИМИ?

Ҳисоб-китобларга қараганда ер юзида 855 миллион одам – инсониятнинг олтидан бир қисми янги аср бўсағасида саводсизлик даражасида экан. Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда 130 млн. бола мактабларга жалб қилинмаган ва 495 миллион нафари билим олиш учун етарли шарт-шароитга эга эмас. Бу ҳол инсонлараро муносабатлар чигаллашувига сабаб бўлади.

ЖАМИЯТДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИ

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)кузатувларига кўра, дунёда 250 млн. бола тўлиқ ёки ярим иш кунида фаолият кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, уларнинг билим олишлари, болалик гаштини суришлари учун имкон қолдирмайди. Таълим тизими эса, ишлайдиган болаларнинг умумий ҳолатини ҳамиша ҳам ҳисобга олавермайди.

ЁЗУВНИНГ ЯНА БИР СИРИ

Киши ёзувига қараб, унинг ёшини аниқлаш мумкин экан. Болада ёзув 3-синфдан бошлаб шаклланади. 20 ёшда у ўзгармас ҳолга келади. Кейин ҳар ўн йилда ўзгариб боради. Мутахассислар ёзувга қараб киши психологиясини билиш, унинг ҳатто суратини чизиш мумкинлигини билдиришмоқда. Дарвоқе, катта ёзув олижаноблик ва майда ёзув индамасликдан дарак бераркан.

ЯШАШ УЧУН КУРАШ

Ҳинд океанидаги Фраджост оролини чинакам мушуклар ороли дейиш мумкин. Чунки у ерда фақат улар яшайди. Ҳинд тадқиқотчиларининг аниқлашича, 1890 йилда орол яқинида кема ҳалокатга учраган. Қуруқликка чиқиб олган денгизчилар кейинчалик нобуд бўлишган. Мушуклар эса, нафақат яшаб кетишди, балки кўпайишди ҳам. Ҳозир улар сони мингдан зиёд.

ВАТАН МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарлар ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини ташвишга солди. Уларга кўра, 16 май куни Тожикистоннинг Жирғатол туманида жойлашган Тоҳир Йўлдош, Жума Намангоний қуролли гуруҳларидаги 17 нафар адашган ўзбек йигитларни Ҳисарак қишлоғида бошлари таналаридан жудо қилинган. Уларнинг жасади мусумончилик қоидаларига мутлақо амал қилинмаган ҳолда кўмиб ташланган...

Алданган, ўзлигига қилинган таҳдидларга қарши, ўз хатоларини кеч бўлсада англаган ёшлар, Жирғатол туманини тарк этиб, Ўзбекистонга йўл олганлар. Ҳеч қандай ваҳшийликдан тап тортмайдиган гуруҳ рахбарлари ғазабга тўлиб, йигитларни йўқ қилиш ҳақида буйруқ берган...

Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини конституциямиз берган. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурчлари конституцияда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз—эркин, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш, ҳар бир инсоннинг эътиқодини ҳурмат қилиш, камситмаслик, эркинлигини таъминлашдир.

Модомики мақсадларимиз аниқ экан, инсон ҳуқуқлари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган конституция ҳимоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз ўз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доғ туширадиган, ҳаттиҳаракатларни нега содир этяптилар?

Ҳар биримиз ота-она, таълим-тарбия даргоҳлари тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз такдири учун биринчи навбатда, ёниб ҳаракат қилишимиз, болаларимизни бундай ёвуз хавфлардан ҳимоя қилишимиз керак.

Мен бир ҳуқуқшунос, мутахассис, ўқитувчи, қолаверса она сифатида, вояга етмаган ёшлар билан олиб борилаётган ҳуқуқий таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибалардан келиб чиққан ҳолда ёш авлодни бундай ҳуқуқбузарликлар, айниқса, энг

Munosabat

оғир ва кечириб бўлмас — Ватанга, конституциявий тузумимизга, Президентга қарши оғир жиноятларга асосий сабаблар, омилларни қуйидагилар деб ўйлайман.

Ота-оналар лоқайдлиги, бепарволиги. Яъни ота-она, ўқитувчи, маҳалла-кўй ёшларнинг тақдири билан қизиқмайди. Ёшлар хоҳлаган пайтда уйга келади, ўқишга боради, ҳатто назоратсизлик натижасида жиноятчи гуруҳларга қўшилиб қоладилар.

Яна бир сабаб: ёшларда ҳуқуқий билимлар ва тарбиянинг шаклланмаганлиги. Ўқувчи-ёшлар, 13 ёшдан оғир жиноятлар учун, 14 ёшдан ўғирлик, номусга тегиш, баданга шикаст етказиш, босқинчилик каби жиноятлари, 16 ёшдан эса ҳар қандай жиноятларни содир этганлиги учун қонун олдида жавоб беришларини билмайдилар. Ҳуқуқий билим ва тарбия, аввало ҳуқуқшунослик дарсларида шаклланади. Шу боис, биз ҳуқуқшунослик машғулотларини ҳам илмий, қизиқарли, жозибали ташкил этишимиз керакки, ўқувчи-ёшларда жиноятчиҳуқуқбузарларга нафрат, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалолликка эса ҳурмат хислари шаклансин.

Мени ўйга толдираётган яна бир масала қўшни Тожикистон давлатида сиёсий ўйинлар оқибатида содир бўлаётган воқеалардир. Хўш, улар қандай жамият қуриш ниятида? Ислом давлатиними? Тожик мухолифатининг ҳокимият ишларига аралашуви бўлиб ўтган хунрезликка, ўзбек қуролли жангариларининг ўша ҳудудда паноҳ топганлигига алоқадор эмасмикан? Бу фикрлар ўзга давлатнинг ички ишларига аралашишга ўхшаса-да, биз ўз миллий, шунингдек, минтақавий хавфсизлигимизни асрашимиз нуқтаи назаридан ёндошмоқдамиз. Шу маънода куни кеча Хўжандда Ўзбекистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирларининг террорчилик, диний ва бошқа экстремистик йўналишлар ҳамда наркобизнесга қарши кураш бўйича ҳукуматлараро битимни имзолаганликлари ибратли иш бўлибди. Бу халқаро аҳамиятга молик ишни амалга оширишда ҳар биримизнинг ўз ўрнимиз бор. Буни ёддан чиқармаслигимиз, доимо огоҳ бўлишимиз Ватанимиз олдидаги муқаддас бурчимиздир.

Омина АМАНОВА,
Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ

қилмоқчи бўлсангиз унга эътибор беринг

Сўнгги пайтларда мамлакатимизда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши қизғин тус олди. Зеро, таълим-тарбия борасидаги ҳукумат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳам аввало, унинг моддий ва маънавий асосини ташкил этишдан иборатдир. Хўш, бу борада Навоий вилоятида қандай ишлар бажарилмоқда? Эндиги вазифалар нималардан иборат? Биз ушбу саволларга жавоб излаб вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бош бошқармасида ва айнан, қурилиш ишлари бораётган объектларда бўлдик.

1999-2000 йилларда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини янги қурилиш ва реконструкцияси учун лойиҳа тендер ҳужжатларига асосан Навоий вилоятида Кармана, Томди, Қизилтепа, Конимех, Навоий, Навбаҳор, Нурота, Хатирчи, Учқудуқ касб-ҳунар коллежлари ва Зарафшон академик лицейи қурилиши мўлжалланган. Кармана касб-ҳунар коллежи, Конимех касб-ҳунар коллежи, Зарафшон академик лицейи ва Навоий касб-ҳунар коллежлари жорий йилнинг 1 сентябридан ишга тушиши режалаштирилаяпти.

Биз Кармана шаҳри ва Конимех туманидаги касб-ҳунар коллежларининг таъмирланиш ва қурилиш жараёни билан қизиқдик. Кармана касб-ҳунар коллежи қурилиши ва таъмирлаш ишларини Навоий қурилиш бошқармаси тендер асосида қўлга киритган. Айни вақтда мазкур объектда бошқарманинг бир қатор кўчма қурилиш колонналари иш бажараяпти. «Навоийқурилиш» трестининг ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ш.Абдуллаевнинг бизга берган маълумотига кўра, коллежни янгидан барпо этиш учун 149 млн. 800 минг сўм маблағ ажратилган. Бу ерда бир ой давомида 52 млн. сўмлик иш бажарилиши керак бўлгани ҳолда 54 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

— Коллеж қурилишида жами 360 киши 2 навбатда ишлаяпмиз, - дейди биз билан суҳбатда 214 - қурилиш корхонаси прораби М.Нарзиев. - Бу ерда ҳар куни 2 маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Шунингдек, дам олиш кунлари ҳам ишлаганларга маошлари икки ҳисса ошириб берилаяпти.

Коллеж қурилишини обдон айланиб чиқиб, қурувчилар билан

Jarayon

мулоқотда бўлиб, бу ердаги ишловчиларга яратилган шарт-шароитларни ўз кўзимиз билан кўриб, чиндан ҳам объектда ишлар тўғри йўлга қўйилганлигининг шоҳиди бўлдик. Буни вилоят ҳокими Ғ.Диловнинг ҳар ҳафтада коллеж қурилишидан хабар олиши, демакки, ҳокимнинг эътиборидан ҳам кўришимиз мумкин.

Келажакда коллежда 450 нафар ўқувчи таълим - тарбия олади. Бунинг учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилаяпти. Замонавий спорт заллари, ўқув хоналари, ётоқхона ва бошқа зарур иншоотлар 1 августга қадар тўла тайёр бўлади.

Конимех туманида қурилаётган касб-ҳунар коллежи ҳам режага мувофиқ, 1 августга қадар тўла таъмирдан чиқарилиши лозим. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишларига 152 киши жалб этилган. 340-қурилиш корхоналари, 1 -, 4 -, 8 -қурилиш корхоналари ва «Нуробод» фирмаси қурувчи ва монтажчилари бараканали меҳнат қилишмоқда.

— Апрель ойида 66 минг сўмлик иш бажарган эдик. Май ойида бу кўрсаткични 240 минг сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз, - дейди биз билан суҳбатда Навоий қурилиш бошқармаси бош муҳандиси Ю.Бородин. **- Аммо лойиҳалаштириш институтларидан меъёрий лойиҳа ҳужжатларини ҳамон ололмаганимиз ишимизнинг бир муддат депсинишига сабаб бўлаяпти.**

Биз қурилишда ишлаётганлар билан суҳбатлашамиз. **Ж.Идиев, 31 йилдан буён Навоий қурилиш бошқармасида ишлайди, 4 - разрядли уста:**

— Эрталаб соат 7⁰⁰ дан кечки соат 19 гача ишлайман (шанба куни ҳам соат 17 гача). Тушликни ўзимиз билан уйдан олиб келамиз.

Бизга ўзини 4 - разрядли уста деб таништирган К.Асрақулов ҳам аввалгига тушлик ташкил қилиб беришни ваъда қилиб, бугун ваъдаси устидан чиқа олмаган қурилиш бошқармасидан нолиди. Тўғри, бир қарашда бу муаммолар қурилиш бошқармасининг ички ишидек кўринади. Аммо амалиётда-чи? Ишчи-хизматчиларнинг норозилиги, тушкун кайфият билан қурилиш ишларини олдинга силжитиш, белгиланган муддатда якунлаш мумкинмикан? Умуман, ушбу мутасадди ташкилотлар ишни ташкил этишнинг биз юқорида қайд этиб ўтган Кармана тажрибасидан ўрганса-лар, унга эътибор берсалар, мавжуд муаммоларни жойнинг ўзида ҳал этсалар мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Норали ОЧИЛОВ
«Маърифат»нинг махсус мухбири

ДАСТУР СИНОВИ ЯКУНЛАНДИ

Бундан 4-5 йил олдин укамни боғчасига олиб келганимда, боғча опасининг: — Укажон, сиз ҳам педагогсиз. Бизга болалар учун махсус адабиётларингиз бўлса, бир- иккитасини фойдаланишга бериб туринг. Ўзимизда оз бўлса ҳам бору фақат рус тилида, анча қийналяпмиз, - деган сўзлари ҳамон ёдимда.

Шунда боғча опага ўзимнинг бор «бисотим»дан иккиучта педагогик журнал, 5-6 та газета материаллари ҳамда эндигина чоп этилган филология фанлари номзоди Замира Иброҳимованинг «Дурдона» боғчалар учун бадиий адабиёт хрестоматиясини совға қилгандим...

Бугун мактабгача таълим тизимида тарбиячилар махсус адабиётлар, дастур ва қўлланмалар билан таъминланганми? Болаларимиз қалбида ўз халқининг урф-одатлари, анъаналарига ҳурмат, халқнинг бой ўтмиши билан фахрланиш, ғурурланиш, ифтихор туйғуларини уйғотиш ва шакллантириш қай йўсинда юргизилмоқда?

Тўғри, мустақиллик йилларида болалар боғчасида таълим-тарбия дастури миллий анъаналар, тарих, маданият, санъат, адабиёт нуқтаи назаридан қайта ишланди. Бугунги кунда ҳам ушбу дастур асосий мазмуни «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш таянч дастури»да ўз аксини топиб, мана бир ўқув йили давомида жойлардаги Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган тажриба-синов майдончаларида синовдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ЎзПФИТИ, РТМ, Тошкент вилояти ХТБ, ВПХМОИлари Чирчиқ шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда шаҳар ХТБ тасарруфидаги 31-«Шодлик» болалар боғчасида ташкил этган анжуман ушбу дастурнинг тажрибасинов якунларига бағишланди.

Шу куни барча вилоятлардан йиғилган анжуман иштирокчилари 31 - боғча бўйлаб саёҳат қилишди, гуруҳлардаги педагогик жараённи кузатишди. Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ҳамида Аҳмедова, ЎзПФИТИ мактабгача ва бошланғич таълим назарияси ва методикаси бўлими бошлиғи, дастур муаллифларидан бири Муҳаббат Расулова, вилоят ХТБ бошлиғи Олег Тожиев, Чирчиқ шаҳар ҳокимининг муовини Замира Шомадиева, шаҳар ХТБ мудири Саид Аҳмедов ҳамда олимлар, мутахассислар иштирок этган давра суҳбатида тажриба-синов ишларининг бориши, унинг натижалари, ижобий хулосалар ва камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди. Жойлардаги амалиётчилар, мутахассис олимлар ва муаллифлар ушбу дастурни такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришди.

Нурлан УСМОНОВ

E'tirof

ИШЛАР ЯХШИ, МУАММОЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Сирдарё вилояти Боёвут тумани маркази — Боёвут шаҳарчасидаги Абу Али ибн Сино номидаги лицей-интернат энг яхши ўқув масканларидан ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам ота-оналар ўз фарзандларини шу ғўшага киритишга ҳавасманд. Барчанинг эътиборига сазовор бўлган бу ернинг оҳанрабоси борми, дерсиз. Ҳа, фақат иқтидорли болаларни саралаб қабул қиладиган мазкур лицей - интернатдаги таълим - тарбия соҳасидаги ютуқлар билан танишган киши тан бермай илоҳи йўқ. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги далил ва исботларни келтириш мумкин.

Кейинги 4 йилдан буён лицей - интернатни битириб чиққан ўқувчиларнинг 90 фоизидан кўпроғи олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олмоқда.

Ўтган йили республика миқёсида ўтказилган «Компьютер шоу» телетанловида қатнашган лицей - интернат жамоаси Андижон вилояти жамоаси билан мусобақалашиб, 24 - 21 ҳисобда ғалабага эришди.

9 - синф ўқувчиси Бекзод Жўлибеков ўтган йили ёш математикларнинг республика телевизион сиртқи олимпиадасида 1 - ўринни эгаллади.

Келинг, яхшиси қолган гапларни лицей - интернат директори , халқ таълими аълочиси Каримжон Исмоиловнинг узидан эшитсак.

— Юртбошимизнинг янги йил арафасида ҳокимлар билан бўлган учрашувда, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор, деган сўзлари фақат биз ўқитувчиларгагина эмас, балки ўқувчилар ва ота-оналарга ҳам миннатдорчилик ва фахрланиш ҳис-туйғуларини бағишлайди, — дейди директор. — Бу келажагимизга, умуман таълим соҳасига эътибордир. Энди ана шу юксак эътиборни оқлашимиз керак, чунки, бугунги намунали ўқувчи эртанги куннинг илғор тадбиркори, ўқитувчи ёхуд шифокоридир.

— Каримжон ака, лицей — интернатда ўқитувчиларга яратилган шарт - шароитлар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Биласизми, таълим-тарбия, айниқса иқтидорли ёшларнинг таълим-тарбияси шу қадар нозик ҳамда мураккабки, бу жараённи ўз қалбидан, ўз бошидан ўтказиб кўрганлар чуқур ҳис қилишлари мумкин. Турли жойлардан келган ёш болалар қийинчиликлар ҳукм сураётган бу даврда озиқ-овқат, кийим-бош, маиший масалаларда зўриқмасликлари, узларини уйидагидан ҳам яхшироқ ҳис қилишлари лозим. Ётоқхонамиздаги шароит яхши, ўқувчилар тўрт маҳал овқат билан таъминланган. Биз келажакда давлатимизнинг малакали кадрлари бўладиган иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашимиз керак. Ўқув жараёни шуни кўрсатадики, иқтидорли ёшларга таълим беришнинг ўзига хос оғир ва енгил томонлари бор.

— Хўш, ўша енгил ва оғир меҳнатнинг мевалари қандай бўлаяпти?

— Дарҳақиқат, кеча экилган ёш ниҳоллар бугун мевага кирмоқда. Ўқув масканимизни битирганларнинг қарийб ҳаммаси олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилинаяпти. Мамлакат, вилоят ва туман олимпиадаларида қатнашаётган ўқувчиларимиз юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

— Ўқув масканида таълим-тарбия ишлари билан танишиш жараёни шуни кўрсатадики, ўқитувчи, тарбиячи ва ҳатто ўқувчиларнинг аксарият қисми ўз ишларига масъулият билан ёндошар экан...

— Ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, барча ўқув хоналарга кераклигича турли жиҳозлар қўйилиб, таълимнинг техник воситалари жойлаштирилган. Ўқитувчиларнинг ва ҳатто ўқувчиларнинг ишлари аниқ мақсадларга йўналтирилган. Ижодкор ўқитувчиларимиз вилоят ва туман мактаблари учун методик қўлланмалар яратмоқдалар. Масалан, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Ҳасан Ҳайдаров компьютерлар учун тест дастурларини ишлаб чиқиб, вилоятдаги мактабларга тарқатди. Раҳматулла Урозов, Тошпўлат Холиқбердиев, Анорқул Очилов каби ўқитувчиларнинг ҳам илмий-услубий китобчалари нашр этилган. Суҳбатимизнинг охирида шуни ҳам айтиб қўяй, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Иқтидорли болалар билан ишлаш учун услубий адабиётлар, ёрдамчи қўлланмалар етишмайди. Худо хоҳласа, бу муаммолар ҳам ечимини топадиган кўринади. Республика бўйича лицейларга эътибор кучайди. Жумладан, бизнинг туманда ҳам академик лицей учун лойиҳа тайёрланаяпти, янги йил бюджетидан маблағ, қурилиш учун ер ажратилмоқда.

Ҳасан ЗИКРИЛЛАЕВ суҳбатлашди.

Сирдарё вилоятининг Оқ олтин туманида шу ҳудуддаги бошқа мактаблардан алоҳида ажралиб турадиган бир мактаб бор. Ушбу маскан, яъни 28-мактаб ўқувчилари инглиз тилини чуқур ўрганишга йўналтирилган.

Суратда: Шу мактабнинг инглиз тили ўқитувчи Зайнаб Каримова шогирдлари билан машғулот устида.

Ҳ.Мирзакаримов сурати

ILHOM BULOQLARI OCHILDI

Termiz shahridagi M.Uyg'ur nomli musiqali drama teatri binosida «Alpomish» dostonining yubileyiga bag'ishlab baxshi - oqinlarning xalqaro ko'rik tanlovi bo'lib o'tdi. Unda mamlakatimiz viloyatlari, Qozog'iston, Qirg'iziston, Qoraqalpog'iston va Tojikiston Respublikalaridan kelgan baxshi, shoir, oqin, jirovlar xalq og'zaki ijodi bo'yicha san'atlarini namoyish qildilar

Surxondaryolik Shoberdi Boltayev, xorazmlik norbek Abdullayev, turkmanistonlik Qaqaboy Nazarov, qozog'istonlik Alimatov, samarqandlik Ziyodulla Islomov, qoraqalpog'istonlik Jumaboy Bozorov, qashqadaryolik Abduqahhor Rahimov, Navoiylik Gulmira Erjigitova singari 80 dan ortiq turli yoshdagi baxshilarga viloyat hokimligi, madaniyat vazirligi, «Ulug'bek» jamg'armasining qimmatbahosovg'alari, diplomlari topshirildi.

Anjuman ishida viloyat hokimining muovini M.Abdullayev, Madaniyat ishlari vazirining o'rinbosari Matyuqubov «Ulug'bek» jamg'armasi raisi A.Hazratqulov, YUNESKO vakili Maykl Reyng ishtirok etishdi.

Norquvvat TO'RAYEV

20 ЙИЛДАН СЎНГ

An'ana

20 йил... Бу даврнинг илк йилида туғилган чақалоқ усиб улгайиб, вояга етгач, алпқомат йигитга, сарвқомат қизга айланади.

Бу даврнинг дастлабки йилида ўтказилган ниҳол ўсиб униб улкан дарахт қиёфасига киради. 20 йил ичида балоғат палласидаги йигит-қизларнинг сочларига унда-бунда оқ оралаб, юз-бўйин қисмига ажинлар соя ташлай бошлайди.

1979 йил... Самарқанд вилоятининг Қўшработ тумани марказидаги 82 - ўрта мактабдан учинчи қилинган 10 «А», «Б», «В», синф битирувчилари орадан йигирма йил ўтиб, анчайин ўзгарган қиёфада бир-бирлари билан дийдорлашдилар.

Ана буни ҳақиқий дийдор дейиш мумкин! Йигитлар бир-бири билан қучоқлашиб кўришган, қизлар ўпишган, ҳол-аҳвол сўрашган... ҳаяжонларимиз чексиз, лабларимиздан табассум йиғилмас, бола-чақаларимиз, касбу корларимиз ҳақида устма-уст саволлар берардик.

Ўз қадрдон мактабларига тўпланган собиқ битирувчилар аввало оламдан ўтган устозлари ва синфдошлари руҳини ҳурмат билан ёдга олишди. Уларга бағишланган тиловат қалбларимизни ларзага солди.

«А» синф ўқувчиларига илк бор «Алифбе»дан сабоқ берган марҳума устозимиз Қантим Қаршиеванинг касбини давом эттираётган қизи Моҳинурга қийим-кечак, синф раҳбарларимиз Эрмат Назаров, Маматазим Утамалиев, Тоштемир Урозовларга тўн, қийиқча, дўппи ҳадя қилинди. Шунингдек, собиқ ўқувчиларга дарс берган устозлар Сория Розиқова, Шаҳодат Давлатова, Ербек Тўйманов, Васила Муҳаммадиева, Облоқул Поситов, Файзулла Исаев, Ислом Қаршиев ва бошқалар ҳам учрашувда ҳозир бўлишди.

Синф сув қуйгандек жимжит. Партада болалар эмас, 4-5 фарзандининг ота-онаси бўлган эркак ва аёллар ўтиришарди. Улар хотирасида мактаб йиллари кино ленталари сингари жонланди... Химия, бошланғич таълим, математикадан дарс тинглаган собиқ ўқувчилар орасида ўқитувчилик касбини эгаллаганлари ҳам анчагина эди: Баҳриддин Эрматов, Раъно Ҳакимова, Абдурашид Уролов, Жамила Мустафоева, Замира Темирова.

Дарслар ниҳоясига етди. Бир пиёла чой устидаги гурунг Пичот қишлоғидаги чорбоғда давом этди. Соя-салқин боғдаги ўйинкулгига нима етсин? Айниқса, 20 йилдан сўнг учрашган қадрдонлар тўпланишган бўлса...

— Дунёда азиз туйғулар кўп. Масалан, дийдор. Биз синфдошлар учрашувини орзиқиб кутган эдик, — дейди ташкилий ишларни амалга оширган синфдошларимиз Ҳасан - Ҳусан Файфуллаев, Дамин Ялғошев, Ҳомид Абиевлар. - Уларнинг манзилгоҳларини топиб, хабар етказишнинг ўзи бўлмади...

Дарҳақиқат, кўпчиликнинг бошини бир жойга бириктириш осон эмаслигини ҳамма эътироф этади. Ҳаётдан ўз ўрнини топиб, турли касб-корларнинг эгаси бўлган собиқ синфдошлар 2009 йилда яна дийдорлашадиган бўлиб, бир-бирлари билан самимий хайрлашдилар.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Tadbir

БОҒЧАДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР" КУНИ

Собир Раҳимов туманидаги 395-болалар боғчасида семинар-кенгаш ўтказилди

Ҳаётимиздаги энг беғубор, энг покиза ва мутлақо ўзимизгагина тегишли бўлган бир неъмат бор, бу — фарзандларимиз. Ва яна, мутлақо ўзимизгагина тегишли бўлган умримизнинг эртаси ҳам шу фарзандларимиз қўлида. Ҳам ички бир ботиний туйғу — ота-оналик меҳри билан, ҳам эртамиздан қайғурибми, биз шу фарзандларимизнинг беғубор кўзларига, нигоҳлари орқали кўнглига тикиламиз, ардоқлаб ўстирамиз, керак экан жонни ҳам аямай тарбиялаймиз. Зероки, ҳар биримиз учун бу айни пайтда ҳам яратганнинг олдида, ҳам Ватан, эл-юрт олдидаги муқаддас бурчдир.

Бугунги кунда мана шу бурч, яъни келажак авлод ва унинг баркамол тарбияси давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири даражасига кўтарилганлиги, асосий эътибор таълим соҳасига, хусусан, мактабгача тарбия соҳасига қаратилаётгани ҳам табиий бир заруратдир. Худди шу ҳолатнинг амалий натижасини куни кеча пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 395-болалар боғчасида ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси "Таълим тўғрисида"ги Қонуни асосида мактабгача таълимни ташкил қилиш ва тарбияланувчиларни мактабгача тайёрлаш мавзуидаги семинар-кенгаш"и давомида кузатиш мумкин бўлди.

Бугун, ҳаммамизга кундек равшанки, ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларини енга бориб, жажжи ўғил-қизларимизнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятларни сафарбар этяпмиз. Маълумотларга кўра, айни вақтда Республикамиз бўйича 17 фоиз бола боғчага қатнаяпти. Қолган фарзандларимиз эса асосан оила қучоғида тарбияланмоқда.

Башарти бунинг сабабилари суриштирилса, айрим ота-оналар моддий имкониятдан сўз очадилар. Лекин гап фақат шундамикан? Агар боғчалардаги шарт-шароитлардан келиб чиқилса, аксарият боғчаларнинг ишлаши ўзини оқламаётгани, жойлардаги раҳбарият томонидан бунга эътибор берилмаётгани, бир сўз билан айтганда, болаларни боғчага ЖАЛБ ЭТИШ борасида оқсашлар мавжудлиги кўринади.

Мазкур семинар-кенгашнинг бош мавзуи ҳам шулардан иборат бўлди, яъни турли сабабларга кўра, боғчага қатнамаётган болаларни мактабга тайёрлаш ва боғча фаолиятини яхшилаш, якшанбалик мактабларни ташкил этиш, мактаб ва боғча ўртасида мунтазам алоқани тиклаш, бу ишларга маҳалла қўмиталарини, жойлардаги раҳбариятни жалб қилиш.

Мазкур семинарда Собир Раҳимов туманидаги 59 та боғча тарбияланувчилари вакиллари кўргазмали чиқишлар, тарбияловчилар намунали машғулотлар ўтказишди, барча таълим муассасаларида "Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" таянч дастури амалга киритилиши кўзда тутилаяпти. Мазкур дастурнинг лойиҳаси бундан бир йил муқаддам ишлаб чиқилган ва тажриба учун бир неча мактаб ва боғчаларда жорий этилган эди. Унга кўра, болаларни мактабга тайёрлаш тизимини ўзгартириш, бу борада мактаб ва боғчаларнинг биргаликдаги иш фаолиятини ташкил этиш, тарбия жараёнида мунтазам машғулотларни ташкил этиш, боғчага қатнамаётган болалар билан ишлаш, боғча , мактаб ва маҳалла қўмиталари қошида улар учун якшанбалик мактабларни ташкил этишни йўлга қўйиш кўзда тутилган. Семинар-кенгашда ана шу тажрибаларнинг бир йиллик натижаларига ҳам якун ясалди, дастлабки хулосалар юзасидан муҳокамалар ўтказилди.

Асосий мақсад эса битта эди: болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш ва илм олишга иштиёқини ошириш. Худди шу нарса янги дастурнинг ҳам негизини ташкил этади. Фикр-муносабатлар, баҳс-мунозаралар, қизғин таклифлар кўп бўлди. Эндиликда мана шундай тадбирлар орқали ўртага ташланган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, дастур янада мукаммаллаштирилиб, қайта кўриб чиқилиши ва амалиётда жорий этилиши мақсад қилинган.

Семинар-кенгаш ўз ишини ниҳоялар экан, биз боғча опалари билан суҳбатлашдик ва бу тадбирларга ота-оналарнинг муносабати қандайлиги, улар билан ишлаш қай тарзда бораётгани ҳақида қизиқдик. Маълум бўлдики, вақти-вақти билан боғчаларда очиқ эшиклар куни ўтказилар, шу куни ота-оналар, маҳалла қўмиталари вакиллари, ҳомийлар келиб боғчалардаги иш тартибини, таълим-тарбия услублари билан танишар эканлар.

Тадбирдан қайтар эканмиз, кўнглимизда, аслида боғчаларда ҳар куни очиқ эшиклар куни бўлсамикан, деган ўй кечди. Чунки болалари шўх-шодон, соғ-саломат бўлган юртнинг эртаси обод ва тинч бўлади.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш байрами арафасида ўтказилган мазкур фойдали тадбир гувоҳи бўлиб, кўнглимиздан кечган эзгу тилак ҳам шу: фарзандларимиз камол топишсин, уларни тарбия қилаётган таълим соҳаси ходимлари эса ҳамиша соғ-омон бўлишсин!

Барно ИСОҚОВА

МУРАББИЯ

Вақт дегани бунчалар учқур бўлмаса. Вақтнинг бунчалар учқурлигини у, ҳар гал ўзи раҳбарлик қилган гуруҳга янги бола келганда билади.

— Ассалому алайкум, Муҳайё опа, бизни ўзингиз тарбиялаган эдингиз, энди мана ўғлимни – набирангизни олиб келдим, — дейди бўй-басти Муҳайёхондан анчагина тик бир йигит.

Муҳайё Юнусова унга анча тикилиб тургандан кейин базўр танийди у йигитни. Тўғри, Муҳайёнинг қўлида тарбияланганида бу йигит уч яшар бола эди. Мана ҳозир уйланган, уйли-жойли, фарзандли бўпти.

Муҳайёхон севинади, худди ўзи невара кўргандек болакайни қучиб, бағрига босади, у бетидан, бу бетидан чўпиллатиб ўпиб олади – бир пайтлар бу болакайнинг отасини шундай эркалагани ёдига тушади.

Бундай ўйлаб қараса, Чилонзор туманидаги 473-боғчага ишга келганига ҳам йигирма етти йил бўлибди. У чоғлар боғча ҳам янгигина очилган, ўзи эса мактабгача тарбия билим юртини эндигина тамомлаган ойдеккина қиз эди, таълим-тарбия усулларидан назарий жиҳатдан ўрганган бўлгани билан тарбиячи сифатида ҳали ғўр, жудаям ғўр эди. Шу боғчада ишлаш жараёнида тажрибаси ҳам томчи-томчи қўшила борди. Билсаки, мураббийлик жуда оғир, шу билан бирга ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли касб экан. Бу боласи тушмагурларнинг ҳар бири бир олам. Ҳар бирига ўзининг табиатига яраша муомала қилмаса, аразлаб, «пўм» чиқиб қолади, кўнглини топса борми, бир сўзи сира икки бўлмайди.

Ана энди бўлса, кўчакўйда, тўй-маъракада гўзал келинчаклар, сарвқомат йигит-яланг унинг ҳурматини жойига қўйиб саломлашади, ҳол-аҳволини сўрашади. Кейин билса, бир вақтлар ўзи тарбиялаган болакайлар, қизалоқлар бўлиб чиқишади. Суриштирса уларнинг бири табиб, бири ўқитувчи, яна бири ҳамшира дегандай — ҳаётдан ўз ўринларини топиб кетишибди. Муҳайёхон шунчалар қувонадики, асти қўяверинг, ўзининг боғчада қилаётган меҳнати мустақил юртга онгли инсонлар тарбиялаб етиштириш билан боғлиқлигидан қалби ифтихорга тўлади.

— Сизга ўхшагим келарди, болаларни суйиб-эркалаб шеър ёдлатгим, эртаклар сўйлаб бергим келарди, — дейди улардан бири. Буниси ҳам муродига етиб мураббия бўлибди.

— Савол беравериб хуноб қилвординг-ку, жуда – журналист бўласан чоғи, дегансиз бир куни. Журналистнинг нималигини билмасдим у чоғларда. Уйга келгандан кейин сўраб-суриштириб билиб олдим. Мактабда деворий газета чиқариб юрдим. Ахийри муродимга етдим. Хуллас, сизнинг айтганингиз бўлди, опажон, — қаҳ-қаҳ кулади ҳозир тарбияланаётганлардан бирининг дадаси. — Ўғлим боғча ёшига етса сизга келтириб бераман, деб орзу қилиб юрардим – ниятимга етдим — ўғлимни мана, сизга топширдим.

Ана шу йўсин Муҳайё Юнусова Чилонзор туманидаги 473-боғчада йигирма етти йил меҳнат қилибди. Меҳнат дафтарчасида бор-йўғи битта ёзув...

Мана энди нафақа ёшига ҳам етиб қолди. Лекин болаларни ташлаб кетишни ўйласа юрагининг бир чеккаси увишади. Ҳар бир бола нимаси биландир нақ ўзиники бўлиб кетгандай. Қарабсизки, бир вақтлар болаларнинг шовқин-сурони уни чарчатса, нафақага чиқса шу суронлар етишмайдигандай туйилади наздида. Ҳар куни касби келтирган шодликлардан яйраб уйига қайтади. Уйда гавжум оила кутади уни – нафақадаги умр йўлдоши Ўткир Юнусов ва қатор фарзандлари: Ботир, Мурод, Мавлуда кутади уни. Ишдан кўнгли тўлиб қайтиш, оила аъзолари меҳрида қувнаш, бу ҳам катта бахт инсон учун. Шу бахтга кўз тегмасин. Умрининг меҳнат, завқ-шавққа тўлиқ йўлларида толиқиш билмасин Муҳайёхон, ҳаётнинг шодликлар-ла тўла косаси насиб этсин унга.

Холида АҲРОРОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

МАШАҚҚАТДАН ҲУЗУР ТОПАДИ

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, халқ маорифи аълочиси бўлган табаррук инсон, айниқса, ёш муаллимларга яқин дўст Убайдулла ота Орипов 80 ёшга тўлишига қарамасдан ҳамон изланишда. Ўқувчилар билан ишлашдаги бой тажрибаларини эринмай-тинмай мактабдаги ёш муаллимлар билан баҳам кўради. Таъкидлаш жоизки, устоз ўз фаолияти давомида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг энг нозик жиҳатларини кашф этган ва эркин дарс муҳитини яратган инсон.

Чиноз туманидаги 27-мактабда йигирма уч йил, Зангиота туманидаги 22-мактабда ўн уч йил директорлик фаолиятида Убайдулла Ориповнинг бошқарув қобилияти тўла намоён бўлган эди. Ушбу билим масканларидаги бугунги ибратли муҳит ҳам ўша йилларда яратилган эди. Бу жамоаларда меҳнат қилаётган Убайдулла отанинг шогирдлари у кишидан меҳр-оқибат, одамохунлик каби хислатларни мерос қилиб олганликларини ҳамиша фахр билан эслайдилар...

Айни пайтда вилоят маънавият ва маърифат марказидаги устоз-фахрийлар бўлимида фаоллардан саналадилар. Таълим муассасаларида ислоҳотлар жараёнининг моҳияти ҳамда унга қандай ёндашиш борасида ўз маслаҳатларини аямайди.

Убайдулла ота 7 нафар фарзандини эл ишида эш бўладиган қилиб тарбиялади. 40 дан ортиқ набираларнинг меҳрибон бобоси жамоат ишларида фаол, ёш авлод тарбиясида барчага ўрнак.

Усмон МИРАҲМЕДОВ

АРАБШУНОСЛИКДА ЯНГИ БИР МАНБА

Ўлкамизда араб тили ўрганила бошлаганига минг йилдан ошди. ХХ аср бошларигача мамлакатимиз ҳудудидаги мактаб, мадрасаларда араб тили асосий фан сифатида ўқитиб келинди. Бироқ шу улкан давр мобайнида ўзбек толиби илмларининг лисоний хусусиятларини эътиборга олувчи, уларга араб тилини ўрганишни осонлаштирадиган бирор дарслик, ўқув қўлланмаси яратилмади. Кўп йиллар давомида ўзбек талабалари араб тилини асосан араб, форс, кейинроқ татар тилларида ёзилган, услубий жиҳатдан яроқсиз дарсликлар орқали қийналиб ўрганишга мажбур бўлдилар.

Асримиз ўрталарига келиб арабшунослик Тошкент Давлат университетининг шарқ факультетида сақланиб қолди. Бу факультетда талабаларнинг кўпчилигини маҳаллий ёшлар ташкил этса-да, улар араб тилини ўрганишда рус тилида ёзилган дарсликлардан фойдаланишга мажбур эдилар.

Собиқ тузум араб тили дарсликларини имкон борича чиқартирмас, чиқарса ҳам рус тилида ёзилишини талаб қиларди. Арабшунос олим Б. Холидов ҳам ўз дарсликларини рус тилида нашр эттиришга мажбур бўлгани фикримиз далилидир.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, араб тилини ўрганишдаги сунъий тўсиқлар олиб ташланди. Бу тилни ўрганишга бағишланган ўзбекча дарсликлар ҳам чиқа бошлади. 1992 йили олим Э.Талабов яратган олий ўқув юртлари учун араб тили дарслиги ўзбек арабшунослиги қўлга киритган биринчи ютуқ бўлди. Бироқ бу қўлланма услубий жиҳатдан анча яхши ишланган бўлса-да, баъзи техник нуқсонлардан холи эмас, дарслик сўнгида арабча-ўзбекча сўзлик илова қилинмаганди.

Яқинда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти арабшунос олимлар Неъматулло Иброҳимов ва Муҳаммад Юсуповларнинг «Араб тили грамматикаси» китобининг биринчи жилдини босмадан чиқарди. Олий ўқув юртлари талабалари учун яратилган мазкур асар икки жилдга мўлжаллаб тайёрланган. Босмадан чиққан биринчи жилд араб тили грамматикасининг назарий томонларини ёритишга бағишланган. Хорижий тилларни ўрганишнинг услубий жиҳатларининг барча талабларига жавоб бера оладиган бу китоб «соддадан мураккабга» қоидаси асосида яратилган. Бу китобни ўқир экансиз, уни яратишда русийзабон дарсликлар қатори мамлакатимизда қадимдан фойдаланиб келинган қўлланмалардан ҳам кенг фойдаланилганига амин бўласиз.

Муаллифларнинг араб тилида саноқ сонларни тушунтиришда, арабча айрим ҳарф ва белгиларни халқаро миқёсда қабул қилинган транскрипция қоидалари орқали турли белгилар билан ўзбек тилида ифода этишда эришган ютуқлари туфайли дарслик олдинги қўлланмаларидан кескин фарқ қилади.

Н. Иброҳимов ва М. Юсуповларнинг бу китоблари шубҳасиз, ўзбек арабшунослигининг катта ютуғи. Лекин олдинги дарсликларда «олд кўмакчи» деб аталган ёрдамчи сўзларнинг бир тоифаси бу асарда русча «предлог» термини билан аталгани рус тилидан хабардор бўлмаган китобхон учун маълум тушунмовчилик келтириб чиқариши мумкин. Муаллифлар иккинчи жилдни тайёрлашда шу фикрни эътиборга оладилар деб умид қиламиз ва арабшунослигимизнинг улкан ютуғи ҳисобланадиган мазкур дарслик юртимизда янада кўпроқ арабшунослар етишиб чиқишига хизмат қилишига ишонамиз.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор

1999-2000 ўқув йилига олий таълим йўналишларидаги (бакалавриат) фанлар бўйича тавсия этиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётлар рўйхати

1 - блок. Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар

Гуманитар ва ижтимоий - иқтисодий фанлар талаба-ўқувчиларга мамлакатимизда содир бўлаётган буюк ўзгаришларни, бу жараёнда бевосита иштирок этаётган халқимизнинг мардонавор меҳнатини, мавжуд қийинчиликлар, уларни сабаблари ҳамда бартараф этиш йўлларини ҳар томонлама чуқур тушунтириб бериш билан бирга, ёшларда миллий ғоя, миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришда, уларни маънавий-ахлоқий баркамол шахс сифатида тарбиялашда, ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ҳаётий миллий қадриятларга таяниб яшайдиган, мустаҳкам иродага эга бўлган авлодни вояга етказишда муҳим восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мустақиллик даврида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган улкан ислоҳотларни чуқур таҳлил этиб берилган асарлари, рисолалари, нутқ ва маърузалари ҳамда зиёлилар ва олимлар билан учрашувларида, оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига берган жавобларида илгари сурилган ғоялар гуманитар ва ижтимоий иқтисодий фанлар олдида турган бу муҳим вазифани бажаришда асос бўлиб хизмат қилади. Шу боис, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг профессор-ўқитувчилари ўз соҳалари бўйича таълим бериш жараёнида Президент И.Каримовнинг асарларидан тўла ва самарали фойдаланишлари ҳамда талабаларга мазкур асарларда илгари сурилган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш учун курашиш ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ёшларнинг, муқаддас бурчи эканлигини уқдиришлари лозим.

№	Фанларнинг номи	Тавсия этиладиган асосий ва қўшимча адабиётлар	Нашр йили	Қайси тилда (рус-ўзб)	Муаллифнинг Ф.И.Ш.
	1 Ўзбекистон тарихи. Асосий адабиётлар:				
		1.Тарихий хотирасиз келажак йўқ.	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2.Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		3.Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори	1997	Ўзбек	Каримов И.
		4. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		5. Ўзбекистон халқлари тарихи	1992-1994	Ўзбек	Асқаров А. ва бошқалар
		6. История Народов Узбекистана	1992-1994	Русча	Асқаров А. ва бошқалар
		7. Ўзбекистон тарихи (1-қисм)	1997	Ўзбек	Сагдуллаев А. ва бошқ.
		8. Ватан тарихи (1-китоб)	1995	Ўзбек	Каримов Ш.,Шамсутдинов Р.
		9. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври.	1998	Ўзбек	Жўраев Н. ва бошқалар
		10. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари	1991	Ўзбек	Аҳмедов Б.
		Қўшимча адабиётлар:			
		11.Темур тузуклари	1991	Ўзбек	
		12.Улажения Темура	1992	русча	
		13. Зафар йўли	1992	Ўзбек	Амир Темур
		14. Бобурнома	1960	Ўзбек	Бобур З.М.
		15. Зафарнома	1996	Ўзбек	Шарафиддин Али Яздий
		16. Ҳоразмнинг суғориш тарихи	1959	Ўзбек	Ғуломов Я.
		17. Ўзбекистон тарихи (V асрдан XVI аср бошларигача)	1994	Ўзбек	Муҳаммаджонов А.
		18. Ватан туйғуси	1996	Ўзбек	Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н.
		19. Очерки историографии истории народов Средней Азии	1992	Русча	Сайитқулов Т.
		20. Вклад в мировую Цивилизацию	1998	Русча	Абдунабиев А.
		21. Ўзбек халқи этнографияси	1994	Ўзбек	Жабборов И.
		22.Шарқ ва Ғарб	1997	Ўзбек	Сулаймонова Ф.
		23.Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида	1996	Ўзбек	Жумабоев Й. ва бошқалар
		24.Великий Темур	1991	Русча	Березиков Е.
	2. Фалсафа. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура (Асарлар тўплами 1-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3.Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби (Асарлар тўплами 5-жилд)	1997	Ўзбек	Каримов И.
		4. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин	1998	Ўзбек	Каримов И.
		5.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		6. Фалсафа	1998	Ўзбек	Раҳимов И.
		7. Фалсафа	1999	Ўзбек	Юсупов Э. ва бошқалар
		8. Основы философии	1998	Русча	Ахмедова М. и др.
		Қўшимча адабиётлар:			
		9. Танланган асарлар (1-3жилдлар)	1969-1973	Ўзбек	Мўминов И. ва бошқалар
		10. Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1995-1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
		11. Фалсафадан ваъз матнлари	1995	Ўзбек	Каримов Иброҳим
		12. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлаш тараққиёти тарихидан	1997	Ўзбек	Жумабоев Й.
		13. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан	1995	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
		14. Қадриятлар фалсафаси	1998	Ўзбек	Тўланов Ж.
		15. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихидан лавҳалар	1993	Ўзбек	Искандаров Б.
		16.Аксиология.Қадриятлар фалсафаси	1998	Ўзбек	Назаров Қ.
	3. Иқтисодиёт назарияси. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура (Асарлар тўплами, 1-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		4. Иқтисодиёт назарияси	1995	Ўзбек	Ўлмасов А. ва бошқалар
		5. Иқтисодиёт назарияси	1998	Ўзбек	Умаров К. ва бошқалар
		6. Иқтисодиёт асослари	1997	Ўзбек	Ўлмасов А.
		7. Экономическая теория	1998	Русча	Қодиров А., Турсунов А.
		Қўшимча адабиётлар:			
		8.Актуальные проблемы экономики Узбекистана переходного периода	1996	русча	Гулямов С. и др.
		9. Амалий иқтисодиёт (1-2 жилд)	1996-1997	Ўзбек	инглиз тилидан таржима
		10. Прикладная экономика (том-3)	1998	Русча	Перевод с англ. языка
		11. Бозор иқтисодиёти назарияси	1993	Ўзбек	Бекнозов Н. ва бошқалар
		12.Макроиқтисодиёт назарияси	1994	Ўзбек	Йўлдошев З. ва бошқалар
		13.Тадбиркорлик: назария, амалиёт ва муаммолар	1995	Ўзбек	Мирсаидов М.
		14.Что дала нам независимость?	1996	Русча	Эркаев Б.
		15. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида	1996	Ўзбек	Жумабоев Й.ва бошқалар
	4. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти Асосий адабиётлар:				
		1.Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2.Асарлар тўплами (1-6 жилдлар)	1996-1998	Ўзбек	Каримов И.
		3.Жамиятимиз мафкураси халқни халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин	1998	Ўзбек	Каримов И.
		4.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		5.Тарихий хотирасиз келажак йўқ	1998	Ўзбек	Каримов И.
		6.Адолатли жамият сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		7.Баркамол авлод орзуси	1999	Ўзбек	Каримов И.
		8.Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили	1999	Ўзбек	Салимов О. ва бошқалар
		9.Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бўйича маърузаларнинг қисқача баёни	1998	Ўзбек	Азизхонов А. ва бошқалар
		10.Ўзбекистан: 5 лет по пути демократических и рыночных реформ	1996	Русча	Под реакцией Салимова А.
		11.Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлида	1996	Ўзбек	Азизхонов А. ва бошқалар
		Қўшимча адабиётлар:			
		12.Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие	1996	Русча	Жумаев Р.
		13. Мустақиллик ва ҳуқуқ	1997	Ўзбек	Саидов А. ва бошқалар
		14. Фуқаролар жамияти:сиёсий партиялар, мафкуралар,маданиятлар	1998	Ўзбек	Қирғизбоев М.
		15. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари	1996	Ўзбек	Ҳусанов О.
		16. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп луғат	1998	Ўзбек	Муаллифлар гуруҳи
		17. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида	1996	Ўзбек	Жумабоев Й. ва бошқалар
	5. Ҳуқуқшунослик. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли	1992	Ўзбек	Каримов И.
		2.Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3. Қонунларимиз халқ манфаатларига хизмат қилсин (Асарлар тўплами, 5-жилд).	1997	Ўзбек	Каримов И.
		4. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати (Асарлар тўплами, 2-жилд).	1996	Ўзбек	Каримов И.
		5. Асосий қонунимиз тантанаси (Асарлар тўплами, 2-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		6. Асосий қомусимиз тантанаси (Асарлар тўплами, 2-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		7. 1997 йил - Инсон манфаатлари йили бўлсин (Асарлар тўплами, 5-жилди)	1997	Ўзбек	Каримов И.
		8.Оила фаравонлиги - миллат фаровонлиги (Асарлар тўплами, 6-жилд)	1998	Ўзбек	Каримов И.
		9. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		10.Ҳуқуқ асослари	1992	Ўзбек	Восиқова М.
		11.Давлат ва ҳуқуқ асослари	1995	Ўзбек	Каримова О., Ғаффоров З.
		12.Инсон ҳуқуқлари	1997	Ўзбек	Бобоев Ҳ. ва бошқалар
		13. Ўзбекистон-сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар сари	1996	Ўзбек	Чориёров У. ва бошқалар
		14. Ўзбекистон янги қонунлари (Тўпламлар)	1992-1998	Ўзбек-русча	
		15. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	1998	Ўзбек	
		16. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг миллий дастури Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси қарори, 1997, 29 август	1997	Ўзбек	
		Қўшимча адабиётлар:			
		17. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида	1996	Ўзбек	Жумабоев Й. ва бошқалар
		18.Ҳуқуқ ва маданият	1994	Ўзбек	Маҳмудов Р.
		19. Мустақиллик қомуси	1993	Ўзбек	Саидов А.
	6. Маънавият асослари. Асосий адабиётлар:				
		1.Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2.Истиқлол ва маънавият	1994	Ўзбек	Каримов И.
		3.Адолатли жамият сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		4.Тарихий хотирасиз келажак йўқ	1998	Ўзбек	Каримов И.
		5.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		6.Жамиятимиз мафкураси халқни -халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин	1998	Ўзбек	Каримов И.
		7.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		8.Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз	1999	Ўзбек	Каримов И.
		9.Юксак маънавиятсиз келажак йўқ (Асарлар тўплами, 5-жилд)	1997	Ўзбек	Каримов И.
		10.Баркамол авлод орзуси	1999	Ўзбек	Каримов И.
		11.Ватан туйғуси	1996	Ўзбек	Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н.
		12. Маънавият ва маърифат асослари	1998	Ўзбек	Отамуротов С.
		13.Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари	1996	Ўзбек	Имомназаров М.
		14.Инсон камолотининг маънавий асослари	1998	Ўзбек	Юсупов Э.
		15.Маънавият - миллат нишони	1997	Ўзбек	Эркаев А.
		Қўшимча адабиётлар:			
		16.Маънавий камолот омиллари	1995	ўзбек	Эркаев А.
		17.Толибнома	1997	Ўзбек	Ғайбуллоҳ Ас-Салом, Сайди Умр
		18.Машриқзамин-ҳикмат бўстони	1997	Ўзбек	Тўплам
	7. Диншунослик асослари. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли	1992	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ўзбекистон XX1аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари	1997	Ўзбек	Каримов И.
		3. Адолатли жамият сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		4. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин	1998	Ўзбек	Каримов И.
		5. Оллоҳ қалбимизда,юрагимизда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		6. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	1992	Ўзбек	
		8. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири)	1998	Ўзбек	
		9. Диншунослик асослари	1995	Ўзбек	Абдусаматов А. ва бошқалар
		10.Дунё динлари тарихи	1998	Ўзбек	Жўраев У., Саиджонов И.
		Қўшимча адабиётлар:			
		11.Қуръони карим	1992	Ўзбек	
		12. Ҳадис (4-жилдлик)	1992-1997	Ўзбек	Имом Бухорий
		13.Каран	1993	Русча	Перевод и комментарий Крачковского И.Ю.
		14.Макка ва Мадина тарихи	1992	Ўзбек	Ҳасанов А.
		15.Февраль воқеалари	1999	Ўзбек	Остонов С. ва бошқалар
		16.Виждон эркинлиги: методология муаммолари	1997	Ўзбек	Абдулхолиқов С.
		17. Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик	1998	Ўзбек	Мунавваров З.
		18. Дунёвий давлат ва дин. Кўнгилдаги бузилиш	1998	Ўзбек	Мунавваров З.
		19. Ислом: ханафийлик ва ваҳҳобийлик	1998	Ўзбек	Мунавваров З., Ҳасанов А.
		20.Қонун, виждон эркинлиги ва дин	1998	Ўзбек	Одилқориев Ҳ.
	8. Педагогика. Асосий адабиётлар:				
		1.Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2.Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		3.Педагогика	1997	Ўзбек	Ғайбуллаев Н. ва бошқалар
		4.Педагогика курси	1997	Ўзбек	Турсунов И. ва бошқалар
		5.Педагогика	1996	Ўзбек	Мунавваров А. ва бошқалар
		6.Педагогика тарихидан хрестоматия	1997	Ўзбек	Ҳасанбоева О.
		7.Ўзбек педагогикаси антологияси (1-китоб)	1995	Ўзбек	Ҳошимов К. ва бошқалар
		8. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар	1996	ўзбек	Зуннунов А. ва бошқалар
		9. Оила педагогикаси	1998	Ўзбек	Иномова М
		Қўшимча адабиётлар:			
		10.Ҳадис (1-4 жилдлар)	1992-1997	Ўзбек	Имом Бухорий
		11. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ	1972	Ўзбек	Абдулла Авлоний
		12. Қобуснома	1986	Ўзбек	Кайковус
		13. Комил инсон ҳақида тўрт рисола	1997	Ўзбек	Фаридиддин Аттор, Султон Валад, Азизиддин Насафий, Ҳусайн Воиз Кошифий
		14.Февраль воқеалари	1999	Ўзбек	Остонов С. ва бошқалар
		15.Эй умри азиз	1997	Ўзбек	Ғайбуллоҳ ас-Салом
		16.Ватан саодати	1998	Ўзбек	Мелибоев А. ва бошқалар
		17. Машриқзамин - ҳикмат бўстони	1997	Ўзбек	Тўплам
		18. Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1995-1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
	9. Политология. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси	1998	Ўзбек	
		2. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура (Асарлар тўплами, 1-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3.Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		4. Биздан озод ва обод Ватан қолсин (Асарлар тўплами,2-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		5. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир (Асарлар тўплами, 3-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		6.Бунёдкорлик йўлида (Асарлар тўплами 4-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		7. Ўзбекистон XX1 асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		8. Баркамол авлод орзуси	1999	Ўзбек	Каримов И.
		9. Политология	1999	Ўзбек	Отамуротов С.
		10. Политология асослари	1992	Ўзбек	Жумаев Р.
		11. Политология дарслиги	1995	Ўзбек	Рамазонов И. ва бошқалар
		12. Сиёсатшунослик (1-3 китоблар)	1996	Ўзбек	Шарипов Ф.
		Қўшимча адабиётлар:			
		13. Фозил одамлар шаҳри	1993	Ўзбек	Форобий
		14. Амир Темур давлатининг идора қилиш сиёсати	1994	Ўзбек	Аҳмедов Б.
		15. Ўзбекистон қарамлик ва мустақиллик йилларида	1996	Ўзбек	Жумабоев Й. ва бошқалар
		16. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси ("Халқ сўзи" газетаси)	15 сен.1995	Ўзбек	
		17. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар	1998	Ўзбек	Қирғизбоев М.
		18. Ўзбекистон Республикаси давлат органлари	1996	Ўзбек	Ҳусанов О.
		19. Политическая система Республики Узбекистан: становление и развитие	1996	Русча	Жумаев Р.
		20. Февраль воқеалари	1999	Ўзбек	Остонов С. ва бошқалар
	10. Маданиятшунослик. Асосий адабиётлар:				
		1. Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		3. Маданиятшунослик асослари	1998	Ўзбек	Абдуллаев М.
		4. Ватан маданияти тарихи	1995	Ўзбек	Ҳакимов Н. ва бошқалар
		5. Маданият ва жамият	1993	Ўзбек	Ҳакимов Н. ва бошқалар
		Қўшимча адабиётлар:			
		6. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ	1992	Ўзбек	Авлоний А.
		7. Фозил одамлар шаҳри	1993	Ўзбек	Форобий
		8. Шажараи турк	1992	Ўзбек	Абулғозий Баходирхон
		9. Ватан туйғуси	1996	Ўзбек	Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н.
		10.Улуғбек	1991	Ўзбек	Аҳмедов А.
		11. Бобурийлар мероси	1993	Ўзбек	Иброҳимов А.
		12. Ўзбек улуси	1992	Ўзбек	Аҳмедов Б.
		13. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши	1990	Ўзбек	Қодиров А.
		14. Ўрта Осиёда илк уйғониш маданияти	1994	Ўзбек	Хайруллаев М.
		15. Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1995-1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
	11. Социология. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистон буюк келажак сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари (Асарлар тўплами, 3-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3.Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		4.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		5. Социология асослари	1995	Ўзбек	Бекмуродов М.
		6. Социология (луғат)	1998	Ўзбек	Холбеков А. ва бошқалар
		7. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти	1996	Ўзбек	Холбеков А.
		Қўшимча адабиётлар:			
		8. Ватан туйғуси	1996	Ўзбек	Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н.
		9.Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили	1999	Ўзбек	Салимов О. ва бошқалар
		10.Февраль воқеалари	1999	Ўзбек	Остонов С. ва бошқалар
		11.Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1995-1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
	12.Мантиқ. Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил (Асарлар тўплами, 1-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашмоққа тайёрман (Асарлар тўплами, 1-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3.БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маъруза (Асарлар тўплами, 2-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		4.Ўтмишсиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди (Асарлар тўплами, 4-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		5.Европа Иттифоқи Мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари кенгашида сўзлаган нутқ (Асарлар тўплами, 5-жилд)	1997	Ўзбек	Каримов И.
		6.Мантиқ	1995	Ўзбек	Раҳимов И.
		7.Мантиқ	1996	Ўзбек	Хайруллаев М.
		8.Логический словарь	1980	русча	Кондаков Н.
		Қўшимча адабиётлар:			
		9. Логикадан амалий машғулот ва методик тавсиялар	1984	Ўзбек	Хайруллаев Н. ва бошқалар
		10.Мантиқ	1986	Ўзбек	Мўминова З.
		11.Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1995-1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
	13. Психология. Асосий адабиётлар:				
		1. Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		3. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		4. Психология	1994	Ўзбек	Ғозиев Э.
		5. Ижтимоий психология	1994	Ўзбек	Каримова В.
		6. Оила этикаси ва психологияси	1992	Ўзбек	Ғозиев Э.
		7. Интеллект психологияси	1996	Ўзбек	Ғозиев Э.
		8. Олий мактаб психологияси	1997	Ўзбек	Ғозиев Э.
		Қўшимча адабиётлар:			
		9. Оила ва муҳаббат	1992	Ўзбек	Шоумаров Ғ.
		10. Психология муаммолари	1999	Ўзбек	Ғозиев Э. ва бошқалар
		11. Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари ва уларнинг ҳозирги замонда психология фанини ўқитишдаги аҳамияти	1992	Ўзбек	Давлетшин М.
		12. Қадимги шарқ мамлакатларида психологик фикрлар тараққиёти	1995	Ўзбек	Абдурахмонов Ф.,Давлетшин М.
		13. Одамлар билан қандай мулоқотга киришиш ва ёндашиш керак	1996	Ўзбек	Абдурахмонов Ф., Давлетшин М.
		14. Психология: изоҳли луғат	1998	Ўзбек	Давлетшин М. ва бошқалар
	14. Ахлоқшунослик (Этика). Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура (Асарлар тўплами, 1-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		2. Ватан, эл манфаати муқаддасдир (Асарлар тўплами, 2-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		3. Ҳалоллик ва фидойилик - фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин (Асарлар тўплами, 2-жилд)	1996	Ўзбек	Каримов И.
		4. Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш- бурчимиз (Асарлар тўплами,5-жилд)	1997	Ўзбек	Каримов И.
		5. Адолатли жамият сари	1998	Ўзбек	Каримов И.
		6. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда	1999	Ўзбек	Каримов И.
		7. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз	1999	Ўзбек	Каримов И.
		8. Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		9. Ҳадис (1-4 жилд)	1992-1997	Ўзбек	Имом Бухорий
		10.Темур тузуклари	1991	Ўзбек	
		11.Қобуснома	1986	Ўзбек	Кайковус
		12.Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ	1972	Ўзбек	Абдулла Авлоний
		13.Ватан туйғуси	1996	Ўзбек	Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н.
		Қўшимча адабиётлар:			
		14. Агар огоҳ сен...	1998	Ўзбек	Жўраев Н.
		15. Эй умри азиз	1997	Ўзбек	Ғайбуллоҳ ас-Салом
		16. Комил инсон ҳақида тўрт рисола	1997	Ўзбек	Фаридиддин Аттор,Султон Валад,Азизиддин Насафий, Ҳусайн Воиз Кошифий
		17. Ватан саодати	1998	Ўзбек	Мелибоев А. ва бошқалар
		18. Машриқзамин-ҳикмат бўстони	1997	Ўзбек	Тўплам
		19. Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
		20. Оилий омилини шакллантиришда	1994	Ўзбек	Муроодов М.
		21. Одамлар менинг кутубхонам	1998	Ўзбек	Маҳмудов Р.
		22. Оила ахлоқи ва одоби	1995	Ўзбек	Ғозиев Э.
	15. Нафосатшунослик (Эстетика). Асосий адабиётлар:				
		1. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли	1992	Ўзбек	Каримов И..
		2. Истиқлол ва маънавият	1994	Ўзбек	Каримов И.
		3. Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		4. Эстетика (Нафосатшунослик)	1995	Ўзбек	Умаров Э.
		5. Эстетика и духовные ценности	1993	Русча	Махмудов Т.
		Қўшимча адабиётлар:			
		6. Мажолис ун-нафоис	1966	Ўзбек	Алишер Наоий
		7. Маҳбуб ул-қулуб	1966	Ўзбек	Алишер Навоий
		8. Бобурнома	1990	Ўзбек	Бобур З.М.
		9. Наврўзнома	1990	Ўзбек	Умар Ҳайём
		10. Буюк сиймолар, алломалар (1-2-3-китоблар)	1997	Ўзбек	Хайруллаев М. ва бошқалар
		11. Жадид драмаси	1998	Ўзбек	Ризаев Ш.
		12. Эзгуликка чоғлан, одамзод	1997	Ўзбек	Ғайбуллоҳ ас-Салом
	16. Ўзбек ва рус тили. Асосий адабиётлар:				
		1.Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2.Ўзбек тили	1991	Ўзбек	Усмонова М. ва бошқалар
		3. Ўзбек тилини ўрганамиз	1991	Ўзбек-Русча	Маҳмудов Н.,Тўхлиев Б.
		4.Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси	1991	Русча	Жамолхонов Х. ва бошқалар
		5.Узбекский язык для взрослых	1990	Русча	Раҳматуллаев Ш. ва бошқ.
		6. Современный русский язык	1991	Русча	Тиленкова М. ва бошқалар
		7.Самоучитель узбекского языка	1991	Русча	Исматуллаев Х.
		8. Ўзбек тили	1994	Ўзбек	Шодмонов Э ва бошқалар
		9. Узбекский язык	1992	Русча	Юлдашев Р.
		Қўшимча адабиётлар:			
		10.Русский язык	1987	Русча	Азизов А.
		11.Русский язык. Практикум по развитию речи	1991	Русча	Городилова Г.
		12.Синтаксис научной речи	1998	Русча	Пидаева О. и др
		13.Ҳозирги замон адабий тили	1993	Ўзбек	Турсунов У. ва бошқалар
		14.Ўзбекча русча луғат	1998	Ўзбек-Русча	
		15.Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча сўзлашгич	1991	Русча-Ўзбек	Г.Михайлов, Магруфов З.
	17. Хорижий тиллар (инглиз, француз, немис). Асосий адабиётлар:				
		1. Маънавий юксалиш йўлида	1998	Ўзбек	Каримов И.
		2. Инглиз тили	1995	Ўзбек	Абдалина Е.
		3. Немис тили дарслиги	1994	Ўзбек	Тошев З.
		4.Француз тили дарслиги	1980	Ўзбек-Русча	Андрейчикова Л.
		5.Английский язык	1995	русча	Мухитдинова Г.
		6.Английский язык для технических вузов	1991	Русча-Ўзбек	Курашвили Е.,Каримов Ш.
		Қўшимча адабиётлар:			
		7. Француз тили лексикологияси	1982	Ўзбек	Тименская Л.
		8. Немисча-ўзбекча ўқув луғати	1991	Ўзбек	
		9. Немецкий для инженеров	1987	Русча	Шалина Г.
	18. Жисмоний тарбия. Асосий адабиётлар:				
		1. Маънавий юксалиш йўлида

МАКТАБ МУЗЕЙИ – МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Tajriba

Ватан туйғуси — шу азиз ва жаннатмакон юртимизга юксак эътиқод билан яшаш, унга ҳамиша садоқатли бўлиш, халқимиз яратган ўлмас мерос, унинг қадриятлари, анъаналари, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш, Турон, Туркистон, Ўзбекистон деб аталувчи тарихни ўрганиб боришдан иборат.

Тарих — бамисоли маёқ. Ўтмиш унутилса, келажак орзуси ҳам унутилади. Ўтмиш — келажакнинг пойдевори, пойдеворсиз эса истиқлол йўқ. Инсон бугуннинг қадрига етмаса, умри хор-зорликда кечади, эртани ўйлаб иш тутмаса, бора-бора забунлик, қарамликка юз тутади.

Тарих ҳақиқатини тиклаш, буюк аждодларимизнинг руҳини шод этиш, улар томонидан яратилган асрий, бебаҳо маданий меросни тиклаш, улуғ анъаналарни давом эттириш, уларга муносиб ворис бўлиш мақсадида Ж. Эшонхўжаев номли 1-ўрта мактабда тарих ва ўлкашунослик музейи очиш фикри туғилди. Ўқувчи-ёшларга, жонажон ўлкамиз тарихини ҳаққоний англатиш музейнинг асосий вазифаси сифатида белгиланди. Отаоналар, мактаб ўқитувчилари, Алимбува ва Иттифоқ қишлоқ фахрийлари иштирокида музей очишга киришилди. Фаолиятимиз давомида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар ишини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори кўрсатмаларига суяндик.

Аслида ижодий ишларимиз музей очишдан аввалроқ бошланган эди. Шу мақсадда жонажон ўлка, қишлоғимиз тарихини ўргана бошладик. Қишлоғимиз ҳақида ўқувчилар билан бирга қизиқарли маълумотлар тўпладик, мазмунли альбом тайёрладик.

Музей фаолларининг жонбозлиги билан қишлоғимиздан Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларига 400 га яқин йигитлар кетганлиги, уларнинг 180 нафари Ватан учун жон фидо қилишгани аниқланди.

Бугунги кунда қишлоғимизда яшаб фаолият кўрсатаётган уруш қатнашчиларини аниқладик. Уларнинг таржимаи ҳоли билан танишиб, маълумотлар асосида альбом тайёрладик. Айниқса, Алимбува авлодлари сулоласига доир маълумотлар кўпчиликнинг диққатини тортади. Ҳозир музей экспонатлари орасида XIX асрга тааллуқли бўлган кўплаб тикувчилик буюмлари, кийим-кечаклар, уй-рўзғор буюмлари жамланган. Шайх Зайниддин бува тарихини ўрганиш мақсадида уюштирилган экскурсиялар ўқувчиларнинг ўз ўлкаси тарихини янада чуқур ўрганишга ёрдам берди.

Келгусида музейимизда инқилобдан олдинги ва кейинги даврни алоҳида бўлим сифатида ажратиб, мустақил Ўзбекистонимиз тарихига оид стенд чиқариш ниятидамиз.

Р. ТЎРАХОНОВА,
Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ж. Эшонхўжаев номли мактаб жамоатчилик музейи раҳбари.

ТАРИХ ОГОҲЛАНТИРАДИ

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ

Moziydan sado

Маълумки, ўтган аср охирларида Ўрта Осиёда феодал ишлаб чиқариш муносабатлари устун бўлиб, бу ҳудуддаги давлатлар монархияли тузумга эга эди. Руҳонийлар давлат тизимини бошқаришда ҳам, мамлакат иқтисодиётида ҳам катта мавқега эга эдилар. Ана шундай бир шароитда Россиянинг вассалига айлана бошлаган Ўрта Осиё давлатларида илм-фанга, янгиликка ва ниҳоят тараққиётга муносабат ҳаминқадар эди. Буни қўқонлик кўзга кўринган олим ва фозил киши Мавлавий Чўбиннинг фожеали тақдирида ҳам кузатиш мумкин. «Тазкираи Қайюмий»да ҳикоя қилинишича, Чўбин (Мулло Асрорқул Тўйчи Мирзо ўғли) Қўқондаги Муҳаммад Алихон мадрасасини тугатгандан сўнг Ҳиндистонга бориб, у ерда математика ва илми нужум \астрономия\ фанларидан таҳсил олиб қайтади ва Қўқон хонининг ўрдасидаги Саломхон майдонида доираи ҳиндия ясайди. Бу қуёш нури ва соя ёрдамида вақтни кўрсатадиган асбоб—қуёш соати эди. Руҳонийлар бу кашфиётга қарши чиқадилар, лекин хон вазири соатнинг давлат ишларидаги аҳамиятини тушуниб, олимни қўллаб-қувватлайди.

1875 йили Қўқондаги алғов-далғовлар пайтида бирмунча вақт шаҳарда ҳокимиятсизлик давом этади. Мадрасаи Жомеъ хон тўраси ноиби мулла Асрорқул бу вақтда мадрасаи Жомеъда яшар эди. Бу ерда ҳам доираи ҳиндия ясалган эди. Жоҳил оломон бу даргоҳга бостириб келади. Воқеаларнинг давоми «Тазкираи Қайюмий»да қуйидагича берилади: «Кимдир овоз чиқариб, аччиқ қичқириб жомеъга кириб, шариатга сиғмайдурган соатни бузишга тарғиб этадур. Бошқа олимлар йўл қўйиб берадурлар. Соат бузиладур. Бу билан қаноатланмай Жомеъ айвонининг ўнг томонидаги ҳужрага кириб, оломон югуриб боришиб, ҳужрадан Мулла Асрорқул домуллони судраб олиб чиқиб, айвон олдида ўлдирадурлар. Халққа хитобан овоз чиқариб Мавлавий Чўбинни ҳимоя қилган унинг дўсти Домулло Хўжамқулни ҳам ахтара бошлайдилар. Ҳовлига келиб ётган бегуноҳ кишини ҳам уйига бостириб киришиб, обрез олдида шаҳид этадурлар. Ўрдага бориб Отабек ноибни ўлдирадурлар. Сўнгра Ўрдага, ундан Аркка чиқиб, \аркни\ талаб қайтиб кетадурлар. Сўнгра ўз шогирди Мулло Исмоил томонидан Зоҳидонга жасади олиб борилиб, ўз ерига дафн этадур. Атрофига гул экиб қўйиладир. Ҳозир шул жойи Гулмозор деб юритиладур. Доираи ҳиндийя ёғочдан ишлангани учун ва бу илмни Ҳиндистонда ўрганганлари учун Асрорқулни Мавлавий Чўбин деб атар эканлар».

Абдурауф Фитрат ҳам барча жадид зиёлилари каби ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзининг қолоқлигидан қайғураркан, бунинг сабабларидан бири халқ онгини жаҳолат, нодонлик қоплаганлигидан деб билган. «Баёноти сайёҳи ҳинди» асарида нафақат мадрасаю мударрис, балки ўқув усулларини ҳам қонқарсиз, деб баҳолайди ва яна Бухорои шарифдек муқаддас саналган макон аҳолисининг диний илмларидан бехабар эканлиги, шу боис кўр-кўрона сиғинишларни қоралайди; «Кўрдик: олдда Нақшбандий турбати жойлашган кенг саҳн. Одамлар битта-битта, иккита-иккита бўлиб, ушбу турбатни тавоф айлардилар. Мен ҳам \тавоф учунмас, балки тавоф қилувчиларни кузатмоқ мақсадида\ турбатни айлана бошладим. Қабр атрофида ҳар ерга икки-учта кўй шохи терилган, бошқа жойда от думи осилган катта-катта туғлар қадаб қўйилибди. Унда юрган хўжалар саҳройи зиёратчиларнинг гирибонидан олгудай бўлиб, «Пиримнинг шохини зиёрат қил», дея шохларни ўптирадилар ва эвазига улардан пул талаб қиладилар. Бечора саҳройилар «бо камоли тазарруъ» шохларни ўпиб, кўзларига суртадилар. Шу аснода хўжаларнинг бири «зиёрат қил» дея «думли» туғни юзимга теккизди. Ғазабланганимдан муштумимни қисиб, хўжанинг қулоқ-чаккасига қўйиб юбордим-да, ўтиб кетдим. Турбатдан нарироқда турган чўбни одамлар ўпиб, юз-кўзларини унга тўтиё қилган ҳолида гўё ахволидан шикоят қилса, ҳожати раво бўладигандек бир оз тўхтаб қолардилар» (А. Фитрат, «Баёноти сайёҳ ҳинди». Т, 1912)

Абдурауф Фитрат маърифат, дин маърифати етишмаслигидан одамлар ширк келтириб, гуноҳга ботаётганлигидан қуюнади. Узоқ давом этган феодал турғунлик даврида халқнинг ахволи урушлар, бўлинишлар натижасида оғирлашди, ижтимоий онгда ҳам, табиийки, пасайиш содир бўлди. Фитратнинг фикрича, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий таназзулга юз тутиши эътиқоднинг ҳаминқадарлигидандир. Фитрат диний эътиқодни тубанлаштирган, шариатни ўз манфаатига мослаштирганларга, хурофотга қарши чиқади. Чунки бу ҳолат миллатнинг тараққийсига халақит қилади. Манфаатпараст руҳонийлар, уларни қўллаётган мустамлакачилар халқнинг нодонлигидан манфаатдордирлар. Бундан Фитрат қаттиқ афсусланади: «Ҳайҳот... Дини ислом қайда, бу мазҳарафотлар \китобда тасвир этилган воқеалар кўзда тутилади\ қайда, тоғ қайда, ўтлоқ қайда?

Эй бечора миллат. Буларнинг барчаси мажбуран шарҳийлаштирилган ҳуқуқлар бўлиб, сен ҳозир ана шу зўравонлар — қонингни сўрғувчи, хонумонингни елга совурувчи, шараф ва номусингга ўт қўйгувчи кишиларга тарафдор эканингни тушунмайсан. Нафақат тушунмайсан, балки масаланинг ҳақиқатини англаб етиб, камоли жиддият билан ахволинг ислоҳига киришган, шарафинг ҳимояси учун мол-дунёсини ҳам аямаётган донишманд жамоани (жадидларни – Г.Р.) кофир атайсан. Афсус, афсус, афсус!» Фитрат жаҳолатимиз мустамлакачиларга қўл келади, деб фикрлайди. Дарвоқе, мазкур масалага чуқур ёндошган ўша давр зиёлилари халқни нодонликда асраш нуқтаи назаридан жоҳил муллалар, амалдорлар билан империалистик чор маъмурлари ўртасида умумийлик пайдо бўлганини пайқашган ва бунга ўз вақтида муносабат билдиришган эди. Шу йилларда босилган карикатурани эслайлик: «Руҳонийлар ва чор маъмурлари Гаспиринскийни оёқ остига оларлар». («Мулла Насриддин» журнали, Боку, 1908, 2-сон.) Бундан ташқари, демократ шоира Анбар Отиннинг зийрак кузатишларидан ҳам бунга уқиш мумкин:

Бўлди мингбоши кали Омил,
Бошида туки йўқ(дир),
ақалли бир қил...
Арзга келсалар гар фуқаро,
Пўписа, дўқ уриш учун абжил.
Ҳокимга борсалар шикоят ила,
Мединский дегони яна бадфеъл.
Билмай фуқаро қаён бормоқ,
Волос\т\ нойи, ҳокими бари бир хил.
Дин бир эмас, иш бирдек, —
Бири Қурьон ўқир, бири Инжил.

Анбар Отиннинг ушбу «Мингбоши Кали Омил ҳажви» шеърида мол-дунё ва шахсий манфаат орқасида ҳатто бирлашиш, халққа сотқинлик қилиш ҳоллари фош этилади. Бундай сотқинлик фақат бир давр учун хос эмаслигига, аксинча, тарих давомида энг хунук воқеалар ҳам такрорланишини сотқин, бузғунчи ақидапарастлик келтириб чиқарган иллатлар оқибатлари кўрсатиб турибди. Тарих сабоқ беради, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб, тарих огоҳлантиради, дейиш ўринлидир.

Гулшан РАҲИМОВА

ИЖОДИЙ УЧРАШУВЛАРНИНГ ИЖОБИЙ ТАЪСИРИ

Odobnoma

Ҳар бир инсонда орзу истаклар пайдо бўлиши учун,завқланиш ва ҳавас бўлиши керак. Ўқувчида завқланиш ва ҳавасни тарбиялаш учун катталар томонидан туртки бўлиши зарур.Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича турли хил усуллар билан ўқувчига завқ бериши мумкин. Бунинг учун албатта, маҳорат керак. Одобнома-,ўқитувчилари учун бу соҳада ижодий учрашувлар жуда қўл келади. Бундай учрашувларни «Амалий машғулот» дарсларида ёки бўш вақтларда ўтказиш мумкин.

Фарғона вилояти Риштон туманидаги 33- мактаб мисолида кўрадиган бўлсак, «Ҳунар туганмас жавоҳир» мавзуси бўйича шу қишлоқда яшовчи уста наққош Валижон хожи Хошимов билан учрашув ўтказилди. У киши ясаган нақшли курсилар, лавҳ, дарвоза ва эшиклар ўқувчиларга бир олам завқ берди.

Шунингдек, тегирмон, нонвойхона, касалхона ва «Маънавият ва маърифат» марказларига саёҳатлар уюштирилди. Бундан ташқари олимлар,шоирлар иқтисодчилар, ибратли оила вакиллари ва оқила келинлар билан давра суҳбати ўтказилди.

Ижодий учрашувларнинг фойдали томони шундаки, биринчидан ўқувчилар тасаввур қилинган нарсаларни кўзи билан кўрадилар , иккинчидан ҳар бир ўқувчи учрашув жараёнида ўзининг эркин фикри ва ўзини қизиқтирган саволлар билан қатнашади.

Қишлоқ клубида «Амир Темур» видеофильми намойиш этилгандан кейин 2-«В» синф ўқувчиси Элбек Маҳмудов бирданига танлаган касбини ўзгартириб олди. Келажакда ким бўласиз, деган саволга Темур деб жавоб берди. У катта бўлса Амир Темур каби от минишни ҳавас қилади. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, ўқитувчи турли хил усуллар билан ўқувчига таъсир ўтказиши, уни завқлантириши зарур.

Тўртинчи синфда «Боболардан-болаларга» мавзуси ўтилганда дарсимизда «Оқилбобо» ташриф буюрадилар ва одоб дурдоналаридан ҳадя қиладилар. Ўқувчини Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш айни кунда жуда зарурдир.

Бунинг учун эса оила, маҳалла ва мактабнинг ҳамкорлиги асосий рол ўйнайди. Бу ишларни амалга ошириш учун эса ўқитувчи режиссёр бўлиши керак.

Умринисо АБДУВОҲИДОВА,
Фарғона вилояти Риштон тумани

Baxmal tumanida «Tashxis markazlari va maktab psixologlarining ish faoliyatini takomillashtirish» mavzuida viloyat seminar - kengashi bo'lib o'tdi. Seminar kengashga barcha tumanlar xalq ta'limi bo'limlari qoshidagi tashxis markazlari xodimlari taklif etildi.

Seminar - kengash ishtirokchilari tumanda tashkil etilgan «Kasbga yo'naltirish va psixologik - pedagogik tashxis markazi» ish faoliyati bilan yaqindan tanishib, ta'lim tizimidagi bu yangi sohani rivojlantirish va takomillashtirish yuzasidan o'zaro fikr almashdilar.

KUN TARTIBIDA «TASHXIS» MARKAZI

Tuman hokimligida o'tkazilgan seminar - kengashning yalpi yig'ilishida viloyat xalq ta'limi boshqarmasi boshlig'i G.Subxonova tashxis markazlari va maktab psixologlarining bugungi kundagi vazifalari xususida so'z yuritdi.

Seminar - kengash ishida xalq ta'limi vazirligi komp'yuterlashtirish bo'limi boshlig'i S.Aliyev ishtirok etdi.

S.MIRZABEKOV

«ЭЗГУЛИККА ЧОҒЛАН, ОДАМЗОД»

Taqriz

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни томонидан чоп этилган «Эзгуликка чоғлан, одамзод» номли асарида давлат арбоби, таниқли адиб Шароф Рашидов, самарқандлик олимлар Воҳид Абдулло, Нуриддин Шукуров ҳамда адабиётшунослардан Иззат Султон, Эрик Карим ҳаёти ва ижодидан лавҳалар берилган. Биз асардаги тарихий воқеа-ҳодисалар тафсилотидан Ўрта Осиёнинг машҳур олими ва мутафаккири бўлмиш Сайиид Ализода ҳаёти ва фаолиятига бағишланган мақола ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Ғайбуллоҳ ас-Салом ўзининг «Мовароуннаҳр фарзанди», «Уни оға дер эдилар» ҳикояларида С. Ализоданинг ҳаёт йўлини, тўла бўлмасада, ҳозиргача ёритилмаган умр саҳифаларини ёритиб берган. Зеро, Ализода тўғрисидаги бугунгача йиғилган маълумотлар тўлиқ эмас.

Ғайбуллоҳ ас-Салом рисоласининг «Тақдирнинг ўйини», «Дорул Ализода», «Тарихқози» каби қисмларида Ализоданинг биринчи илмий қадамлари, жамоатчилик ишлари ҳақида тўхталиб, унинг ўн икки тилни билгани, ёзган асарлари тўғрисида маълумот берган. Муаллиф Ализоданинг мустабид даврга қарши курашини ҳам янгича фикрлар асосида кўрсата олган. Асар билан чуқурроқ танишган сайин мустабид тузумнинг аянчли манзаралари ўзининг бутун даҳшати билан намоён бўла боради. Ғайбуллоҳ ас-Салом асаринг мухтасар қилар экан-миз, ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро буюк шахсларнинг озодлигимиз учун кураши тарихини билиб, ўзлаштириб, мустақиллик қадрига етса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Яқинда Сайиид Ализоданинг набиралари Фарҳод Ализода билан учрашдик, у киши билан таниши б, боболари тўғрисида кўп қимматли маълумотларга эга бўлдик.

Бугун янги тарихимизни ҳаққоний тарзда яратишга киришган эканмиз, ҳар бир авлод ўз шажарасини билиши учун, мана шундай инсонлардан ибрат олиши зарур. Фарҳод Ализоданинг ўз бобоси хотираси ва келажак авлодлар учун қилган хизмати муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир Боку шаҳрида Ализода номи билан аталадиган кўча бор. Самарқандда эса бир кўча ва Темирйўл туманига қарашли 14-мактаб Сайиид Ризо Ализода номига қўйилган. 1998 йилдан бери аллома номидаги кўчада ташкил этилган унинг уй-музейи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ғайбуллоҳ ас-Салом ўзининг «Эзгуликка чоғлан, одамзод» асари ҳақидаги фикрларимизни мухтасар қилар экан-миз, ҳозирги кунда ҳар бир фуқаро буюк шахсларнинг озодлигимиз учун кураши тарихини билиб, ўзлаштириб, мустақиллик қадрига етса, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ҳисоблаймиз.

Яқинда Сайиид Ализоданинг набиралари Фарҳод Ализода билан учрашдик, у киши билан таниши б, боболари тўғрисида кўп қимматли маълумотларга эга бўлдик.

Бугун янги тарихимизни ҳаққоний тарзда яратишга киришган эканмиз, ҳар бир авлод ўз шажарасини билиши учун, мана шундай инсонлардан ибрат олиши зарур. Фарҳод Ализоданинг ўз бобоси хотираси ва келажак авлодлар учун қилган хизмати муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозир Боку шаҳрида Ализода номи билан аталадиган кўча бор. Самарқандда эса бир кўча ва Темирйўл туманига қарашли 14-мактаб Сайиид Ризо Ализода номига қўйилган. 1998 йилдан бери аллома номидаги кўчада ташкил этилган унинг уй-музейи фаолият кўрсатиб келмоқда.

Р. ЮСУПОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ф. САЛИМОВ,
СамДУ тарих факультети 4-курс талабаси

БОЙСУННИНГ БАДАВЛАТ БОҒЧАСИ

Энг катта бойлик — маънавий бойлик

Maktabgacha ta'lim

Тоғли Бойсун тумани қуёши тик Сурхон воҳасининг сўлим гўшаларидан бири бўлиб, "Феруза" болалар боғчаси Бойсуннинг энг баҳаво жойларидан бирида жойлашган. Мазкур болалар боғчаси туман ҳокимлиги қарори билан тумандаги мактабгача таълим муассасалари орасида тажриба маркази деб эълон қилинди.

Кичкинтойлар масканида 4 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 80 дан ошиқ ширинтой тарбияланаётган. Маънавият ва маърифат, мусиқа ҳамда машғулотлар хоналари, қироатхона, фитобар ва ошхона дилбандлар хизматида. Барча гуруҳлар замонавий жиҳозлар билан етарлича таъминланган. Болажон мураббийларнинг ижодкор қўллари билан ясалган кўргазмалар, турли-туман ўйинчоқлар кўп.

— "Феруза"ни нима учун "Бойсуннинг бой боғчаси" деб аташади? - сўрадик боғча мудираси Тошбиби опа Пардаевадан.

- Мустақиллик шарофати туфайли юртимиздаги ҳамма таълим муассасалари қатори бизнинг боғчамиз ҳам тубдан ўзгарди. Ҳамма нарса етарли - ростданам боймиз. Бироқ, мен маънавий бойликни энг катта бойлик деб биламан. Жамоа аъзоларининг барчаси маънавий жиҳатдан бой, ҳатто тарбияланувчиларимиз ҳам. Бас, шундай экан, биз ҳақиқатан ҳам боймиз!

Излаган имконият топади, эринган - баҳона, деган нақл бор халқимизда. Биз "Феруза" болалар боғчасида бунёд этилган "Кичкинтойлар олами" деб номланувчи музейни кўрганимизда юқоридаги ҳикмат роса топиб айтилганига тан бердик. Эҳ-ҳей! Қанча-қанча ишлар амалга оширилган. Кичкинтойларнинг жамики қувонч ва ҳаяжонларини ўзида жамлаб олган бу жажжи музейни бунёд этишни бемалол игна билан қудуқ қазишга қиёслаш мумкин. Ясалган каттакичик кўргазмаларни санашнинг иложи бўлмаса керак. Муҳими шундаки, кўргазмалар ўта топқирлик билан ва яна айнан кичкинтойларнинг митти-митти тасаввурлари асосида яратилгандир.

Табиат муҳофазаси, ҳайвонот олами, уй-рўзғор ва иш қуроллари она-юртим — жону дилим, аждодлар ҳаёти, миллий анъаналаримиз ва тўйларимиз, кўҳна Бойсун амалий санъати сирлари бўлимлари қўлда ясалган кўргазмалар асосида ҳаётий безатилган. Беихтиёр, "Бойсун чорвадори яйловда" деб номланувчи кўргазмали бурчак рўпарасида тўхтаб қолдик. Мана ижод, мана митти - митти кашфиётлар, бойсунлик чорвадор оиласининг яйловдаги ҳаёт кечириш тарзи. Ўртада "Қўнғирот ўтови", ўтов атрофида қўй-қўзилар, эшак, от-уловлар... Ўтов ичида "Қўнғирот чеча" урчуқ йигираяпти. Кадиларда қатиқлар ивитиб қўйилган. Ўтов ёнида кўҳна тандир-ўчоқ, ҳамда тахланган ўтин.

"Феруза"нинг маънавий бой музейини кузатарканмиз, боғча мудираси Тошбиби опа Пардаева таъкидлаганларидек, жамоада маънавий жиҳатдан бой кишилар меҳнат қилишаётганига иқрор бўлдик. Ва яна бир нарсага, яъни, "Феруза" нафақат Бойсуннинг, қолаверса, Сурхондарёнинг ҳам бой боғчаси эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Абдували ОБИДДИН
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Milliy madaniyatimiz, ma'naviyatimiz urf-odatlarimiz, qadriyatlarimiz tiklanayotgan o'z qaddini baland ko'tarayotgan bugungi kunda kitoblarning ahamiyati juda katta. Buni dildan his etgan Samarqand viloyat kitob savdo markazi 305 ming aholiga ega Urgut tumanida «Kitob savdo markazi» ochilishiga katta yordam berdi. Mamlakatimizda yana bir ma'naviyat maskani «Urgut Kitob savdo markazi» ochildi. Unda yosh kitobxonlar uchun lotin yozuvidagi kitoblar, yangi adabiyotlar hamda oynoma va kundalik gazetalar mavjud bo'lib, endilikda ular urgutliklarni madaniy hordiq chiqarishida, mamlakatimizda bo'layotgan yangiliklar va o'zgarishlar bilan yaqindan tanishishlarida xolis xizmat qiladi.

XALQQA ZIYO TARQATADI

F. JUMAYEVA

ФИКР ТАРБИЯСИ ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ

Эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончнинг ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан қутулмаса, инсон тўла озод бўлолмайди.

Ислом КАРИМОВ

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ барча маърифатчилар, зиёлилар ва ёшлар тарбиясига мутасадди бўлганларга мурожаат қилиб, республика ижтимоий ҳамда иқтисодий истиқболининг мезонларидан бири сифатида шу давлатда яшайдиганларнинг онги, тафаккури ва руҳиятида ўзгаришлар бўлиши зарурлигини вазифа қилиб белгилаб берган эдилар. Ўтган мустақиллик йилларида бу борада талай ижобий ишлар, туб ислоҳотлар амалга оширилди. Йўлбошчимизнинг маорифчилар олдига қўйган ушбу муҳим вазифаларини амалга ошириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли тарихий маърузаларида таъкидлаган яна бир фикрлари диққатга сазовордир: «... биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак». Шу тарзда ҳар биримиз учун буюк неъматга айланган мустақилликни эъзозлаш, уни мустаҳкамлаш вазифаси шу юрт фуқароларида мустақил, соғлом ва теран фикрларнинг бўлишини тақозо этишини англаш қийин эмас.

Мен яқинда классик Америка психологияси ҳамда фалсафасининг ёрқин вакилларидан бири ҳисобланмиш Жон Дьюининг ноёб асарларидан бирини ўқиб, ундаги бир фикр устида ўйланиб қолдим. Фикрлаш, тафаккур қилиш, мулоҳаза юритиш қонуниятлари борасида бошқа илмий китоблар, қарашлардан фарқли, унда фикрни тарбиялаш ғоясига катта аҳамият берилганди. Умуман, фикрлаш борасида кўплаб психологик манбалар билан таниш бўлишимга қарамай, мен бугунги кунда бу асар моҳиятини ўзгача бир маънода англаб тушуна бошладим. Сабаб - «фикр», «фикрлаш», «тафаккур», «ақл-идрок» тушунчалари ҳақида сўз юритилганда, улар ҳақида барча қарашлар бевосита фикрни тарбияловчиларга – биз катталарга қаратилган бўлади. Лекин китобни ўқиб менда, аксинча, фикр эгаси бўлмиш шахснинг ўзи ўз тафаккурини тарбиялаш билан шуғулланса, нима бўларкин, деган савол туғилди. Чунки фикрловчи, ахир, конкрет одам, шахс-ку! Унинг индивидуаллигини, ҳис-кечинмалари, ҳаётга, ўзгаларга муносабатларини билмай туриб, уни нимагадир ўргатиб бўлмайди. Демак, ўзини англаган, билган, ҳаётда ўз ўрнини ҳис қилган одамнинггина миясига фикр келади, тафаккур қилади ва қолаверса, у бу фикрларини ўзгаларга изҳор қилиб, етказиши ҳам мумкин бўлади.

Ж. Дьюининг фикр тарбияси борасидаги қарашларига қайтадиган бўлсак, унда фикрлаш – бошқариладиган жараёндир, деб таърифланади. Демак, ташқи муҳит, инсонлар билан мулоқот ҳамда шахснинг турли-туман эҳтиёжлари таъсирида мияда содир бўладиган яхши ёки ёмон фикрлар маълум бир маромда бошқарилиб турилади. Бу ўринда тарбияланган ёки тарбияланмаган фикр тушунчаларини ҳам фарқлаш мумкин. Тарбияланган фикр шундайки, у одам онгидаги, миясидаги энг яхши, ижобий, манфаатли фикрларни рўёбга чиқариб, улардан бошқаларни ҳам бахраманд қилади, ёмонларини эса яшира олади. Демак, ақл-идрок фикрлар тимсолида бизнинг ҳаётимизни ёритувчи шундай машъалки, у шахснинг мақсадлари, маслаклари, орзу-ниятларини амалга ошириш учун фаол, йўналтирувчи куч ролини ўйнайди. Тарбияланмаган фикр эса бунинг акси бўлиб, шахс онгида тартибга солинмаган, мантиққа бўйсунмайдиган, инсоннинг эгоистик хоҳиш-истакларига хизмат қиладиган, чекланган, тартибсиз фикрлардир. У ўз эгасининг тақдирига фақат салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай фикр — бу табиий нарса ва унинг табиий асослари мавжуд, яъни фикрлаш – нормал инсоннинг табиий эҳтиёжидир. Биз учун муҳим нарса — қандай фикрлаш масаласи бўлиб, унинг қай тарзда ҳал қилиниши биздан ақл, фикр эгасининг инсон сифатидаги хислатлари ва индивидуаллигини ҳисобга олишни талаб қилади. Масалан, одамлар ёшлигиданоқ ўзига хос ҳатти-ҳаракатлари, гапиришлари, ўзларини тутишлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Одамлар орасида шундайлари борки, ўта қайсар, қўпол, ўзгалар фикрлари ва муносабатларига тоқатсиз бўлишади. Айнан шундайларда ишга ижодий ёндашув, мустақил, оригинал фикрларни илгари суриш ҳолатлари деярли учрамайди. Агар болада ёшлигиданоқ, ҳар бир нарса ва ҳодисанинг ўзига хос томонларини кўра олиш, ижодий ёндашув бўлса, демак, унинг тафаккури ижодий, эгилувчан, мослашувчан бўлади. Айнан шундай кишиларда мустақил тарзда мулоҳаза юритиш кузатилади. Ижодкорлар консерватив фикрлилардан фарқли ўлароқ турли зиддиятлар, онгга ўрнашиб қолган эскича қарашларни инкор қилиш, керак бўлса ундайлар билан баҳслашишга ҳам мойил бўладилар. Шунинг учун ҳам ёшларимиз, фарзандларимизда ҳар қандай янгиликни, яхшиликни ҳис қилиш ҳолатларини ўз вақтида рағбатлантириш, уларга бу йўлда ёрдам бериш, шароитлар яратиш, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради. Агар ҳозирда янги ташкил қилинаётган академик лицейлар ёки касб-ҳунар коллежларида болаларимизнинг эстетик дидини уйғотадиган, нафис фикрлаш муҳитини яратмасак, қолаверса, педагогларнинг касбий маҳоратлари, ўзларини тутишлари, муомала маданиятлари ва нутқ маҳоратини талаб даражасида йўлга қўя олмасак, ёшларнинг ижодий ва мустақил фикрлашлари учун яратилган муҳитни мақсадга мувофиқ, деб аташ қийин. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари янги типдаги ўқув масканларининг замон талабларига ҳамда жаҳон андозаларига мос дизайнларда бўлиши, уларда моҳир, малакали педагогларнинг дарс беришларига жуда катта аҳамият бериб, ҳаттоки мактабларнинг ташқи кўриниши, архитектурасига ҳам эътибор беришимизни талаб қилмоқдалар.

Биз юқорида мустақил фикрни тарбиялаш зарурати ҳақида гапириб, унинг кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқлигини эътироф этдик. Бу нарса аввало, шахсдаги ўз-ўзига бўлган баҳога, ўзи ҳақидаги тасаввурларга боғлиқ эканлигини таъкидлаш жоиз. Масалан, болалар орасида шундайлари борки, унинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари ўзгаларнинг у ҳақидаги баҳоларидан кескин фарқ қилмайди, берилган ташқи баҳо ва ўзининг субъектив тасаввурлари анча бир-бирига яқин, объектив ва тўғри бўлади. Биз бундай баҳони ўртача, нормал, адекват дейишимиз мумкин. Бундай болаларнинг фикрлашлари ҳам анча теран бўлиб, умуман олганда, уни реалистик деб аташ мумкин. Ўзи тўғрисида ёмон фикрдаги, тортинчоқ болалардаги баҳо фикрлашда ҳам тобелик, эҳтиёткорлик, мияда мавжуд бўлган ғояни бировлар олдида айтмаслик, «мендан бошқалар гапирсин» маъносида бошқарилишга муҳтож бўлиб яшашга ўрганиб қолишга олиб келади. Ниҳоят,

O'lkamizni o'rganamiz

ВАТАНПАРВАРЛИККА ДАЪВАТ

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат умумий ўрта таълим тизимида, балки мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасалари ва мактаб қошидаги қўшимча таълим фаолиятида ҳам кескин ислоҳотларни тақозо этди.

Шундай муассасалардан бири саналмиш Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Марказида бу борада олиб борилаётган ишлар шундан далолат беради.

Марказда амалга оширилган салмоқли ишлардан бири «Фольклоршунос-ўлкашунос»лар уюшмалари иш фаолиятини ташкил этишга мўлжалланган дастурнинг тузилганлигидир. Дастур муаллифлари педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев ва педагогика фанлари номзоди Қундузой Ҳусанбоевалар.

Дастурнинг эътиборга молик жиҳатлари шунда кўринадики, унда таъкидланишича: «болалар бундай муассасаларга кўнгиллари етови билан, ихтиёрий равишда келадилар. Шундай экан, мактабдан ташқари таълим-тарбия муассасалари бола билган ёки билиши мумкин бўлган даражасидан анча юқори билим, кўникма ва малакалар хазинасига эга бўлиши керак. Токи боладаги бирор билим ёки касбни эгаллаш «дарди» шу ерда «даво» топсин, бола қониқиш ҳис қилсин, уни бу даргоҳ доимо ўзига тортиб турсин».

«Муайян ҳудудда адабий бойликлар билан таништириш орқали ўқувчиларда юрт ва юртдошларидан фахрланиш туйғусини тарбиялаш, уларда эзгу инсоний сифатларни таркиб топтириш, ёшларни баркамол маънавиятли кишилар сифатида шакллантириш» бош мақсад қилиб белгиланган дастурда бу мақсадни амалга ошириш учун лозим бўлган вазифалар мазмунига ҳам алоҳида эътибор берилган.

Муаллифлар уюшма фаолиятини бошқарадиган раҳбарларда: «шахслик сифатлари тўлиқ шаклланган бўлишини, яъни у ватани, халқи, ўсган тупроғини каму кўсти, фазилатлари-ю қусурлари билан борича севадиган, унинг тарихи, ўтмиши ва бугунини яхши ўрганган, анъаналарни, маданий ёдгорликларни, маҳаллий қадриятларни яхши биладиган, қадрлайдиган, адабиётшунослик ва фольклоршунослик янгиликларидан хабардор, кўнглида фидойилик ҳисси бўлган, ўрни келганда, ўз ҳузур-ҳаловатидан кечишга қодир, ўз юрти манфаатларини шахсий манфаатлардан баланд қўйдиган, ўзидаги фазилатларни уюшма аъзоларига юқтира биладиган чинакам инсон бўлмоғи кераклигини алоҳида таъкидлайдилар.

Унда «Фольклоршунос-ўлкашунос» ва «Адабиётшунос-ўлкашунос» уюшмаси фаолиятининг икки йиллик тахминий режаси тақдим этилган бўлиб, ҳар бир мавзунинг талқинида ҳудудий хусусиятлар, ижтимоий муҳит ва жамият талаблари инобатга олинган. Берилган мавзуларни ўрганиш бўйича амалий ва назарий машғулотлар, ўрганилиши лозим бўлган халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг вариантлари, фольклор намуналарини ёзиб олиш йўллари, музейлар ташкил этиш, сайёҳлик кўникмаларини шакллантириш, илмий экспедицияларни ташкил этиш ҳақидаги мулоҳазалар диққатга сазовор.

Умуман, дастур умумий ўрта таълим мактаблари қошида ва мактабдан ташқари ташкил этилган таълим муассасалари фаолиятини самарали йўлга қўйишда катта аҳамиятга молик деб ҳисоблаймиз. Энди ҳамма гап ушбу дастурни амалга оширишда қолди.

С. АКБАРОВА,
РЁСЎМ Бош директорининг ўринбосари

Fikr

ЭЪТИБОР БЕРИЛСА...

Юртимизнинг бугунги куни улкан ўзгаришлар ва ислоҳотлар билан изоҳланади. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янгиликка интилиш, халқимиз орзу-умидларининг ушалиши жараёни қамраб бормоқда. Жумладан, истиқлолга эришган Она Ватанимиз халқларининг ўз маънавий меросига эга бўлиши, замон силсилаларида яшириниб қолган боболаримиз тарихининг юртга қайтиши улкан ютуқларимиздан биридир.

Тарихга бир ёқлама ёндашиш, уни сохталаштириш ҳоллари барҳам топди. Тарихий воқеаликни реал ўрганиш имкони яратилди.

Мустақил миллий давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши натижасида етук инсонни, ватаннинг фидойи фарзандини тарбиялаш мактабнинг бош вазифасига айланди.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади. Хўш, бугунги кунда мактаблардаги тарих фани ўқитувчилари ва шу фан услубчилари ўз вазифаларини адо этишга тайёрмилар? Улар бу вазифани қай даражада бажара олаяптилар?

Ҳеч кимга сир эмас-ки, ҳали бу соҳадаги қилиниши лозим бўлган кўпгина вазифалар ўз ечимини кутмоқда. Баъзи услубчиларнинг савиялари бугунги кунда ўз вазифаларини бажара олиш даражасида эмас. Аксинча, улар ўсиш, янгиланиш ишига тўғаноқ бўлиб қолмоқдалар.

Шунинг учун ҳам, кадрларни қайта тайёрлаш ва жой-жойига қўйишда, аввало, ана шундай ходимларга эътибор берилса, мақсадга мувофиқдир.

Муқаддас УРДУШЕВА,
олий тоифали тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси

БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Turon ayollari

20-йилларнинг бошларида Туркистоннинг бир қанча шаҳарларида малакали миллий педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида турли миллат йигит ва қизлари учун эрлар ҳамда хотин-қизлар билим юртлари ва бошқа тарбия муассасалари очила бошлаган эди. Шундай масканлардан бири Тошкентда фаолият кўрсатган ўзбек хотин-қизлари Инпроси \маориф институти\дир. Унинг биринчи директори Петербург хотин-қизлар институтини битирган татар зиёлиларидан Саодат Еникеева \Ҳакимова\ бўлиб, ундан сўнг бу даргоҳга илғор ўзбек маърифатпарвар аёлларидан Робияхоним Носирова раҳбарлик қилган. Шуниси эътиборлики, мазкур биринчи хотин-қизлар маориф институти (Инпрос)да ўша вақтда Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг улуг намояндаларидан бири, машҳур маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Истанбул университетини битирган татар зиёлиларидан профессор Абдураҳмон Саъдий ва бошқалар дарс берганлар. Ушбу илм даргоҳида уларнинг қўлларида турли даврларда таълим ва тарбия олган Хосият Тиллахонова, Ойдин Собирова, Зулфия Исроилова, Шоҳида Маҳзумова, Собира Нозирова \Холдорова\, Марям Ёқубова, Тожихон Рустамбекова, Холида Тожиева, Хосият Раҳимова, Шарифа Аҳмедова, Ҳадича Кафкаева, Зуҳра Исмоилова каби Ўзбекистон маданияти ва маърифати, адабиёти ва санъатининг турли соҳаларида таниқли намоёндалардан бўлиб етишган ўзбек, татар, уйғур хотин-қизлари бор эди. Улар умрларнинг охирларигача ёш авлодни ғўзаллик руҳида тарбиялашда фидойилик билан хизмат қилганлар.

Суратда: *Хотин-қизлар Инпросини битириб чиққанлардан бир гуруҳи.*

Биринчи қаторда ўтирганлар (чапдан ўнгга): Робия Носирова, ўртада билим юрти директори Саодат Ҳакимова (Еникеева), Зоҳида Бурнашева, Ҳамида Тожиева; иккинчи қаторда тик турганлар орасида (чапдан ўнгга): Ойдин Собирова, Тожи Рустамбекова ва бошқалар.

Шерали ТУРДИЕВ
тайёрлади

Tadqiqot

ХОН ТАХАЛЛУСЛИ МАЪДАЛИХОН

Ўзбек адабиёти тарихида XIX асрнинг биринчи ярмидан XX асрнинг бошларигача бўлган давр муҳим ўрин тутади. Шу даврда яшаб ижод қилган Қўқон хони Маъдалихон (Муҳаммад Алихон)(1808-1842)нинг ҳаёти ва ижоди кам ўрганилган.

Маъдалихон Умархон ўғли Қўқонда туғилган. Унинг онаси машҳур шоира Нодирабегимдир. Маъдалихон ёшлигидан бошлаб Умархон саройининг дабдабали муҳитида тарбияланди. Отаси вафотидан сўнг Қўқон хонлигига 21 йил ҳукмронлик қилди. Хонлик даврида қурилиш, ободончилик, маданий ишларга катта эътибор берилди.Шунингдек, хоннинг ўзи ҳам гўзал шеърлар ёзган. У шеърларида Хон тахаллусини қўллар эди. Маъдалихондан кичик бир девон қолган ва шеърларининг айримлари турли баёзларга киритилган. Хон бундан бошқа яна Фузулийнинг «Лайло ва Мажнун»ига ўхшатиб, «Лайло ва Мажнун» номли бир достон ёза бошлаган, бироқ уни ниҳоясига етказмаган.

Биз Маъдалихон меросини тиклаш мақсадида унинг кичик бир девонини тадқиқ қилдик. Девонда ўн саккизта ғазал, битта муҳаммас бор.

Қуйида Маъдалихон ғазалларидан айримларини Сизларнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ёркиной СУЛТОНОВА,
Фарғона туманидаги 3-мактаб ўқитувчиси

Равзаи васлинда лаълингдан сотишди
жонима,
Бир табассумким зилоли кавсари
нисбатлудур.
Кўз ёшатур тўтиёлар суйдуги чашмим баним,
Сонмагил беҳудаким хоки дари нисбатлудур.
Зулфи занжиридасиз дили димоғи атросо,
Бу салосил ҳалқа мушки тари нисбатлудур.
Мавҳ ўлдукча анга чашмим жаҳонбийдур
баним,
Талъати ойинаи Искандарий нисбатлудур.
Жисмима ҳар дам бироамим лаълидан бир
тоза жон,
Ул такаллумлари анҳак гавҳари нисбатлудур.
Кеча улдукча шуъоиндин ёрутмиш чархни,
Офтоби талъатиким Муштарий нисбатлудур.
Еткур, эй боди сабо, бўйи машом жонима,
Ул мусалсал зулфидинким анбари
нисбатлудур.
Хон тажаммулдан сулуҳи ишқ ила мустағниям,
Ўтлуғ оҳим бошима тожи пари нисбатлудур.

***

Ончамиш гулзордан рухсоринга ҳайрон ўлан,
Наргиси кўрмаз кўзунг мужгонина қурбон ўлан.
Настарин наззорасин найлар баногўшинг суран,
Лолая бохмаз юзунгдин доғи бирла қон ўлан.
Этди шавқинг ашкиминг ғаввоси чашмим
мардумин,
Баҳридин кечмаз асири гавҳари ғалтон ўлан.
Бир нигори анбарин хатдур дилим торожина,
Офтоби орази ҳар субҳи дам тобон ўлан.
Хон эрур ё гирдоби домани дашти жунун,
Ёди савдойи сари зулфунгла саргардон ўлан.

ЯНГИЛАНАЁТГАН ТАРИХ

Аждодларингиз кимлар, қайси уруғдансиз, неча йил мустамлакада яшадингиз? Худди шундай саволлар табиийки, ҳаммани қизиқтиради. Яқинда Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Республика Халқ таълими вазирлиги, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти, Халқаро Амир Темур илмий экспедицияси ҳамкорлигида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Республиканинг барча вилоятларидан келган ўқувчилар иштирок этдилар. 4 та шарт бўйича беллашган ўқувчилар Ватанлари тарихи, у ернинг бугунги кундаги урф-одатлари, қадриятлари ҳақида саҳна кўринишлари намойиш этдилар. Ўлкамиз ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақидаги саволларга жавоб бердилар.

Ҳакамлар ҳайъати Фарғона вилояти ўқувчиларини ғолиб деб топдилар.

Шоҳаким ШОИСҲОҚОВ

МИРЗО САЛИМБЕК ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ?

XIX аср охири, XX аср бошларидаги Бухоро адабий муҳитида муносиб ўрин тутган ижодкорлардан бири Мирзо Салимбекдир. Унинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш борасида кейинги йилларда кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим 1850 йилда Бухоро шаҳрида, амалдор оиласида туғилди. Унинг аждодлари Бухоро манғит амирлари саройида юқори мансабларни эгаллаган, илму маърифатли кишилар бўлишган. Шунинг учун Мирзо Салимбекнинг маънавий-маърифий тарбиясига жиддий эътибор қилинган ва у 20 ёшидаёқ замонасининг саводли кишиси даражасига кўтарилган. Ўша йиллари Нарпай ва Зиёвуддин бекликларида мирзолик қилган.

Мирзо Салимбек юксак қобилиятли ва иншодаги салоҳияти туфайли Бухоро манғит амирлари назарига тушади. 1920 йилга қадар турли нуфузли лавозимларда фаолият кўрсатади. 1920 йилда Бухоро амирлиги ҳудудида сиёсий тўнтариш юз берганида Мирзо Салимбек юртнинг бош закотчиси эди. Шунинг учун шўро ҳукумати амалдор сифатида уни қамоққа олади, мол-мулки эса мусодара қилинади. Кейинчалик Бухоро Халқ Республикаси ҳукумати Мирзо Салимбекни ҳибсдан озод этиб, маърифий ишларга жалб этади. Мирзо Салимбек кўп йиллар давомида Бухоро вилояти халқ кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида хизмат қилади ва 1930 йилнинг мартида вафот этади. Мирзо Салимбекнинг «Кашкули Салимий ёки тарихи мутакаддимин ва мутааххирин», «Тарихи Салимий», «Мажмуаи Салимий» (ёхуд «Тазкираи Салимий»), «Дуррат ал-воизин», «Аҳодис ал-аъмол», «Ҳикояти Абдулло бин Муборак» асарлари унинг Бухорои Шариф илмий - маданий муҳити равнақига қўшган муносиб ҳиссасидир.

Юқорида номлари тилга олинган барча асарлар бизгача етиб келган, уларнинг аксарияти ЎзРФАШИ хазинасида сақланмоқда. «Тарихи Салимий» асарининг бир қўлёзма нусхаси ЎзРФАШИ хазинасида 2016 - рақами остида сақланмоқда. Бу асарда Ўрта Осиё, Туркистон ва айниқса, Бухоронинг Чингизхон ҳужуми давридан, Бухоро Республикаси тузилишигача бўлган давр тарихи илмий-бадиий талқинини топганки, улар хусусида Н.Норқуловнинг «Тарихи Салимий» - «Бухоро амирлиги тарихининг қиммати манбаи» мавзусидаги номзодлик ишида батафсил мулоҳаза юритилган.

«Кашкули Салимий» ёхуд «Тарихи мутаққаддимин ва мутааххирин» асари тошбосма усулида кўпайтирилган.

Адибнинг «Дуррат ал-воизин» ва «Мухбир ул ҳикоят» асарлари ахлоқий-маънавий мазмундаги шеърий ҳикоятлардан тузилган бўлиб, улар 1908 - 1909 йилларда Бухорода чоп этилган. ЎзРФАШИ да 3749 ва 4846 рақамлари остида сақланмоқда. «Каъб ал-ахбор ҳикоятлари» ва «Ҳикояти Абдулла бин Муборак» асарлари ҳам тарбиявий йўналишда бўлиб, болаларга мўлжалланган. Асарда Шайх Абдулло бин Муборак ҳаётига оид ибратли ҳикоятлар жамланган.

Мирзо Салимбек ўзидан олдинги фаолият кўрсаттан ижодкорларнинг маънавий меросига ҳурмат билан қараган, маълумотларини тасаввур қилиши қийин эмас.

Мустақил, эркин фикрларнинг борлиги – бу нафақат виждон масаласи, балки тўла маънода эътиқод ва инсонийлик масаласи ҳамдир. Эътиқодсиз одам дунёда нима учун яшаётганини билмагандай, мустақил фикрсиз одам ҳам оддий роботга, ўзгаларга хизмат қилувчи техникага айланиб қолади. Шу сабаб, бутун ёшларда она-юрт, Ватанга садоқатни тарбиялар эканмиз, аввало, уларда эътиқод, иймон тарбиясига эътиборни қаратишимиз ва ҳар бир ёшнинг, юртимиз фуқаросининг дастлаб ўз манфаати, инсонлиги, яшашдан мақсадининг бош мезони эканлигини англатишимиз керак. Улардаги тушунчалар, фикрлар, ғояларнинг мавжудлиги, нутқнинг нафақат билимлар эгаллаш воситаси бўлмай, балки ўзлигини англаш, қадрлаш ва намоён этиш воситаси эканлигини онгига сингдиришимиз зарур экан. Зеро, фикр аввало, инсон маънавиятидаги муҳим калит бўлиб, унинг мукаммаллиги ва теранлигини таъминловчи ягона йўл маърифат эканлигини унутмаслигимиз, бу фикр ва туйғу ҳар бир зиёли, педагогнинг ҳаётий шиорига айланишини таъминлашимиз керак. Шундагина фикр бамаъни, яъни шахсий ва ижтимоий мантиққа зид бўлмаган ноёб нарсага айланади.

Демак, мустақил фикр тарбияси бевосита маданият, теран дунёқараш, эътиқод ва эътибор тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки эътиқодсиз, маданиятсиз одамнинг мустақил фикри ҳеч кимга керак эмас, у ҳеч кимга наф келтирмайди. Умуминсоний қадриятлар, миллат маданиятини ва маънавиятини туб маънода бутун вужуди ва идрокига сингдирган шахснинг фикрлари эса жамият истиқболига хизмат қилади.

Нафиса НАЖМИДДИНОВА,
БухДУ ўзбек-тожик филологияси факультети дипломанти

Mutaxassis minbari

юқори даражада ўзини баҳолаш фикрлардаги шошқалоқлик, таваккалчилик стратегиясини ҳосил қиладики, бундайлар одамлар назаридан тез четда қоладилар.

Хўш, бу борада болага қандай ёрдам кўрсатиш мумкин? Бизнинг фикримизча, ёшликданоқ боланинг ўзига берадиган холис, тўғри баҳо тарбиялашнинг бош мезонларидан бири – бу уни доимо самарали муносабатлар ва муомала доирасида ушлашдир. Ҳаётда шундай ҳам бўладики, катталар ёшларга нисбатан тарбиявий таъсирларини фақат бола бирор айб иш қилиб қўйганда ёки кутилмаганда муваффақиятга эришганда кўрсата бошлайдилар. Ваҳоланки, бола шахси доимо ўзига меҳру-муҳаббатни ва эътиборни талаб қилади. Бола атрофида шакллантириладиган самимиятга асосланган муҳит, ёшига мос тарзда ҳар бир ижобий ёки салбий ҳаракатларнинг ўз вақтида баҳоланиши ва унинг бола томонидан идрок қилиниши шароитининг яратилганлиги, табиийки, унинг мияси ва фикрлашларида тиниқлик, объективлиликнинг шаклланишига замин бўлади. Демак, боланинг барча қилиқлари, ҳаракатлари, хислатлари табиий тарзда қабул қилиниши, ҳулққа мос тарбиявий таъсирлар орқали унда ўзи ҳақида тўғри тасаввурларнинг шакллантирилиши – фикр тарбиясининг асосларидандир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган яна бир хулоса шуки, бола тўғри ва теран фикрлаши учун унга муҳит керак. Бу муҳит, албатта, болага бевосита таъсир кўрсатади. Обрўли катталарнинг таъсири баъзан тазйиққа ҳам ўхшаши мумкин ва психология тили билан айтганда, бундай муҳит болада конформлилик, мослашувчанлик, ўзгалар фикрини қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради. Лекин ижобий муҳитдан таъсирланиш ёшга боғлиқ тарзда борган сари, камайиб, мустақилликнинг шаклланишига ва турли қарорлар қабул қилишда тобеликнинг камайишига сабаб бўлади. Тобеликни чегараловчи социал психологик муҳитга мисол келтириш ўринлидир. Масалан, социал психологияда мунозара методи борки, у шахсдаги эгоистик қарашларни бартараф этиш, унда фаол фикрлаш шароитини яратиш йўли сифатида қўлланилади. Агар ахлоқий мавзуда баҳс ёки мунозара юритадиган бўлсак ва бу жараёнга болани ҳам тенг жалб этолсак, қуйидагича психологик эффект рўй беради: гуруҳдаги мунозара ҳар бир шахснинг гуруҳ фаолиятидаги мотивациясини ошириб, ҳар бир иштирокчининг нимадир дейишга бўлган эҳтиёжини пайдо қилади. Эркин фикр алмашишнинг мавжудлиги муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзолари фикрлашлари жараёнини тезлаштиради ва уларнинг фаол позицияда бўлишларини тақозо этади. Агар у ёки бу муаммо хусусида сўзловчи нотиқ ёки обрўли «катта» киши тингловчиларда нейтрал, ҳаттоки, бефарқ муносабатни шакллантирса, мунозарада фикрлар тўқнашуви оқибатида ҳар бир айтиладиган гап ёки муносабатга (ҳаттоки, қарама-қарши) шахс миясида янги фикр пайдо бўлади. Мунозарага киришувчиларнинг фазовий ва психологик ҳолатлари бир-бирларининкига яқин бўлса, шахсда гапириш, ўз фикрини мустақил баён этиш эҳтиёжи пайдо бўлади.

Шундай қилиб, эркин, холис, соғлом фикрлар алмашинуви шароити, муҳитининг бўлиши ёшларда лўнда, равон тилда гапириш малакасини ўстиради. Муҳит хусусидаги яна бир фикр шуки, шахс ҳар қандай шароитда, ҳамманинг ҳам олдида эркин гапиравермайди. Айниқса, Шарқ психологияси ва одоб нормалари шундайки, ёши каттанинг, бола ўз ота-онасининг, ўқувчи ўқитувчининг олдида ҳар қандай фикрни изҳор қилавермайди, чунки бу одоб этикасига зид, деб баҳоланади. Шунинг учун ҳам шундай тарбиявий муҳитни яратиш керакки, боладаги унчалик даражада аҳамиятли бўлмаган фикрни ёки ғояни ҳам қўллаб-қувватловчи «ўзгалар»нинг бўлишига эришиш керак. Чунки ҳар қандай одамга ўзидаги фикрнинг тўғрилиги ва асосли эканлигига ишонч бўлгандагина, у эркин фикрини баён этади. Демак, тарбияловчининг маънавий қарашлари, фикр алмашиниши жараёни суҳбатга нисбатан ижобий «установка»лар мустақил фикрлашнинг энг мақбул шароити ҳисобланади.

Ниҳоят, мустақил фикрлаш ва бу борадаги тарбиянинг бош омилларидан бири – маърифатлиликдир. Яъни, билимларнинг кўплиги, унинг инсон онги фаолиятидаги ўрни, ранг-баранглиги ва доимий илмга интилиши бола фикрларини бойитади, чархлайди ва теран қилади. Билимли, илмли инсонгина ўз фикрини содда ва аудиторияга мос тарзда баён эта олади. Ёшларимиз фикридаги баъзан биз кузатадиган инертик, бўшлик, тобеликнинг асосий сабаби ҳам шуки, уларга билим, мантиқий боғлиқ тушунчалар, ғоялар етишмайди. Демак, одам қанча кўп ва хилма-хил китоблар ўқиса ва уларнинг ҳар бирини шахсан мушоҳада қилсагина, унинг фикрлари маъноли, теран ва нафис бўлиб, ундан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам баҳраманд бўлади. Юртбошимиз «Куч билим ва тафаккурда» деганларида айнан ўқимишлилик ва унинг кучи ҳамда бу икки хислат шахснинг ўз юзи, қарашлари, фикрларининг бўлишига сабаб бўлишини таъкидлаган эдилар.

Умуман, мустақил фикрлашнинг шахсий манфаатга қандай алоқаси бор, деган саволнинг бўлиши ҳам ўринли. Катталарнинг фикрларига эргашиш, улар ҳаракатларини аниқ такрорлаш, тақлид қилиш, гапирган гапини такрорлайвериш ҳам мумкин-ку? «Катталар адашмайди, ўқитувчи, устоз ҳар доим ҳақ», дейиш ҳам мумкин. Лекин бу масаланинг соф ижтимоий психологик томони ҳам борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз қарашларига эга бўлиши, мустақил фикрлай олиши, нафақат фикрлаш, балки уни ифода эта олиш, менимча, шахснинг руҳиятида шундай ички куч, стимул ролини ўйнайдики, у шахсни ўз-ўзини рўёбга чиқариш, муттасил тараққиётга интилиш, «Мени»нинг қадр-қимматини ўзгаларга англата олиш орқали жамиятда муносиб ўрин эгаллашга имкон беради. Феврал воқеаси, айниқса, ёшлар тарбиясида айнан шу борада айрим муаммоларимиз ва камчиликларимиз мавжудлигини аниқ кўрсатди. Агар ўша ёш ўспириннинг мустақил идрок қилиш, фикр юритиш ёки барча таъсир этувчи омилларни тўғри таҳлил қилиш қобилияти бўлганида, у мустақил юртини, муқаддас эътиқодини сотмас эди-ку?! Кимларнидир фикрига кўр-кўрона эргашиб, юрти, маҳалласи, қариндош-уруғлари, ёру-дўстлари олдида юзи қора бўлганини, бу жиноят эканлигини англаса, руҳиятидаги туғён-

Saboq

ОИЛАМИЗ ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАММИ?...

Оила жамиятнинг бирламчи зарраси. Ҳар қандай жамият эса ана шу кичик зарралардан ташкил топади. Илмий асосларга таянадиган бўлсак, оила фақатгина эр-хотиннинг ўзидан иборат эмас. Балки, эр-хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гуруҳи-хонадондир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир.

Оила ўз-ўзидан вужудга келмайди. Томонларнинг бир қарорга келиб келишув тузишлари учун бирор-бир муҳит, шароит яратилмоғи шарт.

Кузатишимча, оила (никоҳ) қуйидаги сабабларга кўра юзага келади ва турларга бўлинади:

ТАСОДИФИЙ НИКОҲ

Айтиш жоизки, кўп болали ота-оналар қизларидан тезроқ «қутулиш», уни уйли-жойли қилиш мақсадида эшикдан келган совчига баъзида суриштириб ҳам ўтирмасдан розилик берадилар. Қизлари борган жойидан тиниб-тинчиб кетса-ку яхши. Аммо кўпгина ажралишлар шу тасодифий никоҳлар асосида юзага келмоқда.

Баъзи ҳолларда йигит бирор қизни пинҳона астойдил севиб қолгач, сўнг баъзан ўзларини-ўзлари идора қила олишмай, бир баҳялик кайфу сафо қули бўлиб қолишади. Бу кўпчилик ҳолда фожиа билан тугайди. Илож-сиз қолган ота-оналар фарзандларини никоҳлаб қўяқоладилар. Аммо, бу ёшларнинг жиддий ҳаётга тайёргарликлари ҳеч кимни қизиқтирмайди. Асосий муаммо қуни-кўшни, маҳалла олдида шарманда бўлмаслик.

ОТА-ОНАЛАР КЕЛИШУВИ БИЛАН ЮЗАГА КЕЛГАН НИКОҲ

Ўзбек оиласи ўзининг унга совчи қўяди. Албатта, кўпгина ота-оналар «эрка» ўғилнинг талабини бажо этадилар. Бу ҳолатда келин бола муомалали ва тушунадиган бўлса яхши-я, аммо у жуда кўпол бўлсачи...

Йигит уйлангач, оиласини бузмасликка ҳаракат қилади. Чунки халқимизда «Ўзинг пиширган ошни айланиб ич» деган нақл бор. Бу тоифадаги никоҳ ўз мавжудлигини иложи борича узоқроқ сақлаб қолади.

Биз юқорида тасодифий никоҳнинг иккита кўринишига назар ташладик. Биринчи кўринишда, қандай бўлмасин ота-онанинг ўз қизларидан тезроқ «қутулиш» муаммоси турибди. Иккинчи кўринишда эса йигитнинг ўз яқинлари олдида уялиб қолмаслик учун курашиш.

ЁШЛИК – БЕБОШЛИК ХАТОЛАРИ БЎЛМИШ НИКОҲ

Халқимизда «Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини» деган ибора-ни тез-тез учратамиз. Ёшларимиз ортиқча эҳтиросларга берилган ҳолда гўзал урф-одатлари билан кўпчилик бошқа миллат оилаларидан тубдан фарқ қилади. Албатта, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. «Онасини кўр — қизини ол» деган нақлга амал қилган ҳолда, фарзандининг келажагини ўйлаб, қизи бор хонадонларнинг барчасини чуқур, ҳар томонлама таҳлил қиладилар. Уларнинг қуни-кўшниси билан суҳбатлашадилар ва қиз бола ҳақидаги фикрларини биладилар. Ниҳоят, бир қарорга келгач, совчилик ва тўй маросимлари ўтказилади.

Ота-онанинг асосий мақсади ўз фарзандини ҳақиқий бахтли бўлиб, тинч-тотув яшашларини таъминлашдир.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ота-она розилиги билан ҳар томонлама ўйлаб тузилган никоҳ узоқ муддатли ҳисобланади. Бу турдаги никоҳларда деярли ажралиш ҳоллари учрамайди.

ЁШЛАРНИНГ ЭРКИ ЭВАЗИГА БОЙ ОТА-ОНАЛАРНИНГ КЕЛИШУВИ АСОСИДАГИ НИКОҲ

Азалдан «Бой бойга боқар, сув сойга оқар» деган нақл бор халқимизда. Ўзига тўқ оила бошлиғи (кўпчилик ҳолларда ота) бирор-бир нуфузли даврада ўзига қуда танлайди. Арзимас дақиқаларда ёшларнинг бир умрлик тақдири ҳақидаги битим юзага келади.

Никоҳ ҳақидаги битим тузилаётган вақтда томонларни фақатгина бир-бирларининг эгаллаб турган мавқелари ва молиявий аҳволи қизиқтиради, холос. Танишбилишларнинг назарида яна бир поғона кўтарилиш мақсадида дабдаба билан тўй бериш, «Бой», «Катта» қуда билан одамлар кўзига кўриниш роҳат бағишлайди баъзиларга.

Хўш, фарзанднинг тақдири нима бўлади? У қандай хонадоннинг келини бўлаяпти? Куёв соғлом йигитми? Бу оилада маънавий муҳит қай даражада, қиз бола шу хонадонга келин бўлиб тушса, тиниб-тинчиб кетадими?

Бу тоифада қурилган оила доимий равишда ота-она қарамоғида бўлади. Ёшларнинг мустақил фикр юритишлари учун ҳеч қандай имконият бўлмайди. Менимча, бу – фожеа.

Оиланинг вужудга келиши учун хизмат қиладиган асосий омиллар ва сабаблар юқорида баҳоли-қудрат ёритилди. Айтиш жоизки, ҳар қандай жамиятда оиланинг физиологик ўсишини белгилаб, мустаҳкам бўлиши учун хизмат қиладиган яна бир омил-унинг молиявий аҳволи.

Ватан-остонадан бошланади. Демак, у оила остонасидан бошланади. Шундай экан, оила манфаатларини ҳимоя қилиш билан биз жамиятимиз келажагининг порлоқ бўлишида ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Зеро, бу вазифа республикамизнинг барча фуқаролардан фаоллик талаб қиладиган масъулиятли ишдир.

Гулсанам ТИЛЛАЕВА
ҚМИИ «Маънавият ва маърифат» бўлими иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича услубчиси

"Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила..."

Чустлик Чашминиса Абдуллаева ҳам ана шу савобли йўлда "ранж" чекаётганлардан. У шу тумандаги 1-мактабнинг адабиёт фани ўқитувчиси. "Йил ўқитувчиси" танловида иштирок этган муаллиманинг ҳар бир дарси бир ҳайрат.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат

ЁШ ИЖРОЧИЛАР ТАНЛОВИ

Бугун мамлакатимизда маданият ривожига алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Республикамизда мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони мусиқа шинавандаларини хурсанд этди. Куни кеча Республикамизда бошланган — «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус мусиқа ва санъат билим юртлари ёш ижрочиларининг XY Республика танлови» ўз ишини бошлади. Пойтахтдаги Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида хонандалик бўйича, Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатида торли чолғулар бўйича, Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб интернатида фортепиано ва пуфлама ҳамда зарбли чолғулар бўйича, шунингдек, Қарши санъат билим юртида Халқ чолғулари бўйича ўтказиладиган ушбу кўрик-танлов 8 июнда якунланади. Ушбу муддат давомида Республикамиздаги мусиқа ва санъат билим юртларидаги талабаларнинг юқоридаги йўналишлар бўйича билим ва маҳоратлари синалади. Танловнинг юқори даражада ўтиши албатта, танлов иштирокчиларига ва ташкилотчиларга боғлиқ.

Фотима ИСЛОМ қизи

«АНДИЖОН СУЙИ ЎШДИН КЕЛУР...»

«БОБУРНОМА»ДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ГИДРОГРАФИЯСИ ҲАҚИДА

Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуғ шоир ва саркарда сифатидагина эмас, сайёҳ ва географ сифатида ҳам ўз даврининг етук инсони бўлган. «Бобурнома»ни ўқирканмиз, унинг теран кузатувчи ва зукколигига тан берамиз. Зеро, асарда шоирнинг она юрти Андижон ва унинг атрофи – Фарғона водийси, Марказий Осиё, Афғонистон, Эрон, Покистон ҳамда Ҳиндистон табиати, одамлари тарихига оид жуда кўп қизиқарли маълумотлар берилган. География фанлари доктори, профессор Ҳамидулло Ҳасановнинг фикрича, XVI асрда яратилган асарлар ичида бу ҳудудлар ҳақида «Бобурнома»дан афзалроқ асарни топиш қийин. Ҳақиқатдан, Бобур бирор жой, ҳодисага таъриф бераркан, уни албатта, таққослайди, моҳиятини тўла очишга ҳаракат қилади. Бу эса унинг географлигидан далолатдир. Биз қуйида «Бобурнома»даги маълумотларнинг айримлари, тўғрироғи, Фарғона водийсининг гидрографиясига оид кузатишлар тўғрисида фикр юритмоқчимиз.

Бобур Фарғона водийсининг атрофи тоғлар билан ўралганини, дарёлар улардаги қор ва музлардан сув олишини яхши билган. «Бобурнома»да Сайҳун (Сирдарё)нинг шарқдан ғарбга томон оқиши ҳамда бошқа дарёлар ҳақидаги маълумотлар воқеа ва ҳодисалар баёнига қўшиб берилган. Жумладан, Бобур ёзади:

«Сайҳун дарёсиким, Хўжанд суйиға машҳурдур, шарқ ва шимолий тарафидан келиб, бу вилоятнинг ичи била ўтиб ғарб сари оқар».

«Андижон рўди (дарёси, сойи – Ж.Ҳ.) Ўшнинг маҳаллоти ичи била ўтиб, Андижонга борур».

«Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур».

«Андижоннинг шимол тарафида Сайҳун дарёсининг ёқасида Такасекретку деган ерда... дарё оқарким, ривоят қилурларким, ул ердин така секрегандур, мағлуб бўлуб иликка тушти».

Умуман «Бобурнома»да уч юздан ортиқ ўринда сув, дарё, кўл, ботқоқ, булоқ (чашма), муз ҳақидаги маълумотлар тафсилоти берилаётган воқеа ва ҳодисаларни тўлдирибгина қолмай, бу асар ўша давр сув йўллари, тармоқлари, уларнинг хусусиятлари ҳақида ҳам қизиқарли манбадир. Масалан, «Бобурнома»нинг 1493 йил воқеалари қисми кўпроқ Фарғона водийсига оид бўлиб, унда ўттиз олти марта гидрологик ун-сурларга ишора қилинади. Шунинг ўзи Бобурнинг Андижон ва унинг атрофидаги сув, сувга боғлиқ жараёнлар, яъни Фарғона водийси гидрографиясини яхши билганидан дарак беради.

Хуллас, Бобур меросини чуқур ўрганиш, таққослаш орқали Фарғона водийсининг XVI асрдаги гидрографиясини яратиш муҳим масала бўлиб, бу иш ҳам тарихий, ҳам илмий аҳамиятга моликдир.

Ж. ХАЛИЛОВ

Tilak

ҚЎЛИМ КЎКСИМДА

Қоракўл туманидаги 164 - лицейда «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси» Тўхтамурод Жумаев бошлиқ педагогик жамоа фаолият кўрсатади. Лицейни битирган билимли ёшлар пойтахтдаги олийгоҳларга тест синовлари орқали юқори баллар билан қабул қилинмоқдалар. Менинг ҳам 3 фарзандим мазкур лицейни тугатиб, Тошкент педиатрия, молия институтлари ва Низомий номидаги ТДПУ да таълим олмоқда. Бу олий ўқув юртлари педагогика жамоасига чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

Бекмурод ЖУМАЕВ,
Бухоро вилояти Олот тумани Р.Ботиров жамоа хўжалиги ер тузувчи муҳандиси

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ ЁДИ

Фориш туманидаги Болғали қишлоғининг биринчи муаллими Чимир ЭШМУРОДОВ хотирасига бағишланади

Биз вақтнинг шитобкорлигини кўз олдимизда авлодларнинг янгиланаётганидан, ўз тенгқурларимиз баробарида «ҳаш-паш» дегунча ўттиздан ошиб қўяётганимиздангина илғаб қолмоқдамиз. Шу тариқа амалга оширишимиз, ҳис қилиб яшашимиз лозим бўлган кўп нарсалардан мосуво умримиз жозибасиз, қашшоққина ўтаётгандай... Ана шу бўшлиқни тўлдириш, қувват олиш илинжида одамзот ҳамиша сурон билан яшаб ўтганлар хотирасини кўмакка чақириб келган.

Ҳа, сурон билан, яратиб яшаб, одамлар хотирасида ўчмас из қолдириб кетмоқ одамзот умрининг маъномазмуни, албатта. Аммо, ўз умрига, ўз ҳаётига бу таҳлит мазмун бермоққа ҳамма ҳам қодир эмас. Бу ишнинг уддасидан чиққан инсонларнинг номини абадийлаштиришга эса қарздормиз.

Ҳар бир юртнинг, ҳатто ҳар бир қишлоқнинг биринчи муаллими бўлади... Сўнг унга эргашувчилар кўпаяди. Вақт эса сокин дарёдай оқаверадию, оққани сезилмайди. Янги авлод эски авлоддан олислашиб бораверади. Минг афсуски, гоҳида унутишга ҳаққимиз бўлмаган инсонлар хотираси ёддан чиқади...

... Биз яқин-яқингача битирган мактабимизга қишлоқнинг биринчи муаллими асос солганини, уни ҳашар йўли билан қуриб ишга туширганини билмасдик. Буни бизга мактабдаги 10 йиллик умримиз даврида ҳеч ким айтмаган... Зеро, биз муаллимлик ана шундай фидойиликни талаб қилиши унутилаётган, яна ҳам очиқроқ айтганда, биринчи муаллимнинг юрагида ёнган фидоийлик ўти издошлари юрагида кўринмаётган - бу касбга ҳам маош учун ишлайдиган, аксарият касбларга қарагандек қаралаётгандай даврда ўқиб-ўлғайдик. Ва лўнда қилиб айтганда, шу даврнинг қадрига етмадик, битириб кетаётганда эса кўнглимизда ҳеч қачон муаллим бўлмаймиз, деган қатъий ўй бўлди. Аммо, фикрлар, эътиқодлар ўзгаради. Фикрлар, эътиқодларни эса икки нарса - энг иродали, энг кучли ва жасур инсонларнинг тафаккури, амалий иши ҳамда уларнинг ёрқин хотиралари ўзгартириши мумкин экан.

Албатта, бундай инсонларнинг қисқа умрларидан, ҳатто умрларининг бир йили, бир кунидан бутун бир романлар ёзиш мумкин. Ва ёки аксинча, тўрт, беш жумла билан қуйидагича ифодалаш ҳам мумкин: «Чимир Эшмуродов 1918 йил, ҳозирги Жиззах вилояти, Фориш туманининг Болғали қишлоғида туғилган. Етти йиллик бошланғич мактабни тугатгач, Самарқанд агромактабида ўқиган. Муаллимлик иш фаолиятини ўз қишлоғида 1938 йилдан бошлаган. 1940 йилда Болғали қишлоғида ёшлар билан ҳашар уюштириб, биринчи мактабни қурган ва шу мактабда уларга илм ўргата бошлаган. Мунтазам равишда ён-атрофдаги Жарбулоқ, Қудуқ каби қишлоқларга 10-15 чақиримлаб пою-пиёда қатнаб муаллимлик қилган. 1941 йили иккинчи жаҳон уруши бошлангач, кўнгиллилар қатори жангга кетган, шу жанглардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган...»

Ҳа, қаҳрамонларча ҳалок бўлган... Бир фидоий инсоннинг қисқача ёди шундай... Дарвоқе, Чимир Эшмуродов асос солиб кеттан мактаб бир неча йиллардан бери номсиз. Энди савол туғилади: Мактабнинг ўзига Чимир Эшмуродов номи берилса ҳам адолатдан, ҳам инсофдан бўлмасмикин?

Бу истак, ўйлаймизки, мазкур мактабда турли вақтларда таълим олган ва ҳозирда таълим олаётган барча шогирдларнинг, шунингдек, мактаб ўқитувчилар жамоасининг ҳам кўнглидадир.

Саҳобиддин АБДУЛҲАМИД ўғли, Абдуҳамид АБДУАҲАД ўғли

Xotira ibrati

УМРЛАР ИБРАТИ

Яқинда бутун мамлакатимиз аҳли Хотира ва Қадрлаш кунини нишонладик. Ҳурматли Юртбошимиз жонбозликлари билан бу куннинг тайин этилгани олийжаноб тадбир бўлди. Бу кун арафасида ўтганларни хотирлаб айтиладиган илиқ гаплар, кексаларимиз, фахрийларимиз қадрини кўтарадиган барча даъватлар, ўйлайманки, энг аввал, келажак авлод-ёшлар тарбияси учун жуда асқотади. Зеро, ёшлар қалбида ўтганларга ва ёши улуғларга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларнинг етук инсон бўлиб камол топишларида тарбия воситаси ҳамдир.

Яқинда мен XIX аср ўзбек шоираси Дилшод ҳаёти ва ижоди билан танишдим. Шунда шоира олиб борган ажойиб статистик маълумотларга дуч келдим. «51 йил мактабдорлик қилдим, — деб ёзган у, — Мактабда аъло ва ўрта ўқувчилардан доимо 20-30 қиз таълим олар эдилар, 891 қизни саводли қилиб чиқардим (Дилшод. «Танланган асарлар», 1972 йил)»

Шоира Дилшод 1800 йили туғилиб, тахминан 100 йилдан ортиқ умр кўрган, 1906 йилда вафот этган. Унинг ёзиб қолдирган маълумотлари менда чуқур таассурот қолдирди. Биринчидан, Дилшод ярим аср давомида барча ўқиттан қизларини йилмайил рўйхатга қилиб, 50 йил давомида таълим олган шогирдларининг умумий сонини ҳисоблаб чиққанки, бу маълумот унинг ўша даврдаёқ жамият тараққиёти учун аёллардан саводхон, билимдонлар тайёрлашдаги олижаноб хизматини кўрсатади. Қолаверса, бу хизмат юксак эҳтиром билан шоира меҳнатини хотирлаш ва қадрлашга арзишини англатиб туради.

Бу рақамлар менда кучли таассурот уйғотганининг яна бир томони бор. Мен ўқитувчилар авлодиданман, оиламизнинг ҳар бир аъзоси жамият ривожига имкон қадар хизмат қилган. Шу муносабат билан бу маълумотлар мени чуқур ижодий фикрлашга ундади.

Отам Собиржон Раҳимий 1907 йилдан 1937 йилга қадар, онам Бекой Раҳимова 1912 йилдан 1937 йилгача ўқитувчилик қилишган. Амаким Ғофурржон Раҳимов Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси эдилар. 1972 йилгача, яъни 40 йил кафедра мудири бўлиб, техника университетида таълим бердилар. Мен уларни хотирларканман, ибратли умрлардан сабоқ олиш нақадар фойдали эканини яна бир карра ҳис этдим. Ўзим ўқитувчилик қилаётганимга бу йил 55 йил тўлди. Ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида Тошкент молия институтида ишлаб келаётибман.

Афсуски, йилма-йилига ҳисобот олиб бормаган эканман. Тўғри, айрим йилларга доир материаллар сақланган. Ёдда қолган маълумотларни чамалаб кўраман. Мен кундузги, кечки, сиртқи бўлимларда турли институт, университетларда дарс берганман. Шу билим даргоҳларида маърузаларимни эшитганларни рўйхатга олиб борганимда ажойиб ҳисоботга эга бўлар эканман. Айтмоқчиманки, қолган ишларни хотирлаш кўп завқли ва хўп фойдалидир.

Отам Собиржон Раҳимий биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг илк устози бўлган. Талабаларни номини ёзиб боришдан ташқари, ҳар ҳафтада бўлган воқеаларни эсдалик дафтари тутиб, ёзиб борардилар. Лекин 30-йилларда оиламиз кечирган нохуш воқеалар оқибатида бу эсдалик дафтарлари йўқолиб кеттан. Фақат отам директор бўлган пайтдаги мактаб ҳаётини акс эттирувчи айрим суратлар сақланган, холос.

Шунингдек, отамнинг урушдан кейинги кундаликлари, ҳафталикларини кўпчилиги сақланган.

Мен отамнинг генерал Собир Раҳимовнинг талабалик йиллари, ўзининг 1916 йил кўзголонидаги иштироки ҳақидаги хотиралари бор.

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ўқитувчилар, шогирдлар шоира Дилшод каби ўзларининг устозлари ҳақидаги эсдаликларини эринмасдан ёзиб юборсалар. Бу маълумотлар республикамиз маорифи ва маданияти тарихини янги талаблар асосида яратишга бетакрор ҳисса қўшган бўлар эди. Шу билан бирга бу эсдаликлар айрим вилоятларимизнинг маориф тарихини ўрганишга ёрдам берарди.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор

ИЛДИЗЛАРИМИЗ ТЕРАН

Ўзбек халқи қадимий ва бой маданиятга эга. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган «Турон маданияти: тарих, маънавий мерос ва санъат» илмий-назарий анжумани ана шу мавзуга бағишланди. Конференцияни ЎзБА раиси, академик Т. Қўзиев очди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев «Турон маданияти ва миллий истиқлол мафкураси» мавзуида маъруза қилди.

Илмий анжуманда ЎзРФА академиги Э. Ртвеладзе, О. Иброҳимов, М. Исҳоқов, Б. Тўхлиев, С. Ганиева, Р. Сулаймонов, Т. Ғафурбеков, А. Мадраимов, А. Эгамбердиев ва бошқа олимлар, илмий ходимлар маърузалари билан қатнашиб, кўҳна санъатимиз, улуғ тарихий-диний-фалсафий-адабий обидамиз— «Овисто», Турон шоиралари, миллий қаҳрамонларимиз, мусиқамиз ва замонавий тасвирий санъатимиз сингари илдизлари қарийб уч минг йилга бориб тақаладиган Турон тамаддуни(цивилизацияси) ҳақида диққатга сазовор фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бундай мазмунли илмий-амалий анжуманлар, шубҳасиз, ўзлигимизни англашга, халқимиз тарихининг теран илдизларини билиб олишга ёрдам беради.

Муслима ХАЛИЛОВА,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг аспиранти

Ta'lim fidoyilari

ОЛАМДА ГУЛЛАР ЯШАР

Тақдир тақозоси билан жуда кўп мактабларда бўламан. Устозлар, ўқувчилар билан учрашаман. Очиғи, улардан илҳом оламан. Болалар ёзувчиси, шоири бўлганим учун тезда тил топишиб кетаман. Шунинг учун бўш вақт топдим дегунча ўзимни болалар даврасига ураман. Яқинда бир боис-баҳона билан йўлим Тошкентдаги 141-мактаб томон тушди.

Кўкча томон бораётгандим, олдимдан тўққиз-ўн ёшли қизалоқ чиқиб қолди. Таққа тўхтадим. Қизалоқ мен оғиз жуфтлашимга улгурмаёқ,

— Ассалому алайкум, амакижон, — деб қўлини кўксига қўйди.

— Ваалайкум ассалом, — деб уни алқадим.

Шу онда маҳалла боласида, деган фикрга келдим. Бу учун ортиқча шарҳнинг ҳожати йўқ. Истаймизми, истамаймизми, маҳаллада азал-азалдан миллий қадру қиймат илдиз отиб, шаклланган. Бекорга тарбиянинг ўчоғи – маҳалла дейишмайди. Қизалоқ икки қадам узоқлашиши билан уни тўхтатдим.

— Она қизим.

— Лаббай, амакижон, — қизалоқ изига қайтди.

— Бунча тилинг ширин, — деб уни эркалатиб, чўнтагимга қўлимни тиқдим. Рости, чўнтагимда қизалоқни овутадиган ширинлик йўқ эди. Ана шунда кўнглимдан бошқа бир одатимиз йўқолиб бораётгани кечди. Ота-буваларимиз қариндош-уруғ, таниш-билишлар уйига борадиган бўлса, албатта, чўнтагига майизми, туршакми солиб чиқишган. Бу асло эрмак эмас, ўз-ўзидан маълумки, қайси хонадонга қадам қўйманг, эшикни биринчи бўлиб болалар очади. Биринчи бўлиб ана шу болалар билан тиллашишга уринасиз. Буям ўзбекона бир хислат, ота-боболаримиздан қолган одат, десак ҳам бўлаверади.

Очиғи, аждодларимиз болаларга яхшилик, эзгулик, одамийлик фазилатларини сингдиришган. Натижада, «Яхши амаки», «Яхши хола» деган эркаловчи ном олган. Маҳалла болаларига йўлбошчи бўлган.

Жимиб қолганимни кўрган қизалоқ, нима гапингиз бор дегандек, менга тикилиб қолди.

— Она қизим, бир юзу қирқ биринчи мактаб қаердалигини айтолмайсанми? — деб сўрадим.

— Мен ўша мактабда ўқийман, — деди қизалоқ.

— Вой-вой, она қизим, устозинг ким?

— Озода опамиз, — деди қизалоқ юз-кўзи чақнаб.

Шу ондаёқ калаванинг учи топилди-қолди, чунки мен худди шундай исмли ўқитувчини излаб бораётгандим.

Энди иккиланишга ҳожат йўқ эди. Қизалоқ мени мактаб томон бошлади. Эшитганим бор. Худди мен излаб борган мактабда журналист-педагог Озода Мадраҳимова ишлайди, бошланғич синф ўқитувчиси.

Аслида Озода ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. Тугатгану ўзи келин бўлиб тушган маҳалла мактабига ўқитувчи бўлиб келган. Йўқса, ўқувчилик, талабалик йилларида у ёзган хабар, мақолалар матбуот юзини кўриб турарди...

Қизалоқ мени ўз мактабига етаклаб борди. Чопқиллаб бориб, устозини етаклаб келди. Бошланғич синф ўқитувчилари тўпланган хонага кирдик. Хонада Озода Мадраҳимовадан ташқари, ёш ўқитувчилардан – Умида Носирова, Ёқут Абдувоҳидова, Гулнора Каримовалар дафтар текшириб ўтиришарди.

Суҳбатимиз таълим-тарбия, журналистика устида борди.

— Биласизми, — ўз фикрини баён этди Озода Мадраҳимова. – Журналистика факультетини битирганим менинг ўқитувчилик фаолиятимда қўл келди. Мен болаларни кузатишга, изланишга ўргатдим. Ўз устимда ижодий изланишга ўргандим. Касбларнинг бир-бирини тўлдириши шу бўлса керак.

Менинг эса бу фикрга қўшимчам тайёр эди. Унинг ҳатти-ҳаракатида фаолликни кўриб, бу қўшимчани қўшгим келди. Озода Мадраҳимова мактабда ўтадиган турли-туман учрашувлар, адабий кечаларга бошу қош. Ўзи ташкил қилади. Ўзи бошқаради. Мана шу хислати журналистик таълимдан юққан. У фақат мактабда эмас, туман, шаҳар йиғинларида ҳам ўз касбдошлари орасида обрў топгандлардан. Озода, айниқса, ҳар бир дарсини кўрсатмали қурол воситасида ўтишни яхши кўради. Шунданми, у қатор йиллардан бери мактаб бошланғич синф услубий кенгашининг бошлиғи.

— Ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида ишонч муҳитини яратиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Озода. Боланинг характерига қараб муомала қилиш, дарс тайёрлатиш керак. Чунки иккита бир хил боланинг ўзи йўқ...

Озода Мадраҳимова билан суҳбатлашиб, унинг 28 йиллик иш фаолиятига чизгилар чизиш билан банд бўлиб, мени бошлаб келган «Она қизим»нинг исми-шарифини сўраб олишни унутибман. Ў аллақачон хайрли ишни қилиб бўлиб, уйига жўнаб қолганди.

Ўзимга таскиним шу бўлди. Қизалоқ Озода Мадраҳимовани устозим деди. Шундай экан, қизалоқ устози раҳбарлик қилаётган 3 «а» синфида ўқийди-да. Янаги келганимда, албатта, унинг исми-шарифини билиб оламан. Ким бўлгандаям Озода опасининг гулларидан. Маҳаллада, мактабда гулларнинг гуллаши шу бўлса керак. Кўнглимга бир илиқлик туйиб изимга қайтдим.

Шу илиқликнинг юрагимизда илдиз отган яна бир кўриниши бор. Бу кўриниш – биринчи устоз меҳри. Озода Мадраҳимова ҳам мана бутун илми, тажрибасини кичкинтойларга бериб, эндиликда қай бир шогирдига биринчи муаллим, қай бирига буви даражасига етди. У ҳар доим ана шундай устозлик бахти насиб этганидан мамнунлик ҳиссини туяди, шукрона келтиради. Зотан, оддий шукронада ҳам Озода Мадраҳимованинг самимияти, ўзига хос ибрати мужассам.

Сафар БАРНОЕВ

Pedagogik ta`lim

ВАТАН ДАРСДАН БОШЛАНАДИ

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида донғи кетган бир илм маскани бор. Ҳар йили вилоятнинг турли ҳудудларида мактабни битирган ўғил-қизлар қалдирғочлар мисол бу масканга интиладилар. Уларнинг завқу шавқлари, орзу ҳаваслари олам жаҳон. Улар бу ерда ўз орзу ниятларининг рўёбига етишадилар. Бу масканни ҳақли равишда ёшлик макони, илму урфон манзили, сурур ва шукуҳлар диёри деса арзигулик. Бу маскан – Сурхон воҳасининг оташнафас шоираси Раъно Узоқова номи билан аталувчи педагогика билим юртидир. Бундаги талаба ва толибларнинг завқу-ҳаяжонли чеҳраларига қараб, беихтиёр устоз шоиримиз Ғафур Ғуломнинг машҳур сатрлари ёдга келади:

Эҳ-ҳе... Умрингизда юзталаб ёз бор,
Ҳали қўл тегмаган гуллар сизники.
Шафақлар пойандоз, муттасил баҳор.
Ёзу куз бариси сизники, чунки:
Порлоқ келажакнинг ўзи сизники.
Кечалар телмириб кўкка қарайсиз,
Ранг-баранг юлдузлар учгандай бўлар.
Икки йил бурунги аълочи бир қиз
Юлдуздай учади ҳатто кечалар...
Ўша сизсиз, бари, бари сизники.

Ушбу масканда замон талабларига жавоб бера оладиган даражада илм олиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Узоқ йиллар шу ерда ёш авлодга билим берган, бу эзгу иш учун кўз нури, қалб кўрини аямаган тажрибали педагог, чин маънода маърифатпарвар муаллим, айни пайтда билим юртига директорлик қилаётган Орзиқул ака Файзиевнинг бир зум бўлса-да бўш вақти йўқ. Ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш, имкони борича талабаларга пухта билим бериш учун нимаики воситалар бўлса, бари муҳайё. Элликта ўқув хонаси, лабораториялару устахоналардан йигирматаси масофадан бошқариладиган ўқитишнинг техникавий воситалари билан, тўрттаси эса энг замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Компьютерда ишлаш, ўқиш-ўрганиш худди беш-олти йил аввал қалам, ручка билан ёзиш, чизиш сингари оддий ҳолга айланган. Талабаларнинг саводи баланд. Улар математикадан ҳам, адабиётдан ҳам бир хил савияда хабардор, дунёқарашлари кенг, мустақиллик мафкураси ҳақида зукколарча, ғурур билан гапиришади. Чунки бу масканнинг йўлаклари, деворлари ҳам ўқувчилар онгини юксалтиришга, «билим беришга» хизмат қилади. Истиқлол фидойилари, ёзувчи-шоирларнинг таржимаи ҳоллари билан берилган суратлари, мустақилликнинг илк кунларидан то ҳозирга қадар бўлган жамики сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий маълумотларни олиш мумкин, бу деворлардан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг истиқлол йилларидаги жамики асарлари дастурий қўлланмалар сифатида ўрганилмоқда, ўргатилмоқда. Бунда ҳам ажиб ҳикмат ниҳон. Талабалар юртга, Ватанга фидокорликни шу китоблардан ўрганаётирлар. Мавжуд ўнта уюшма Президент асарлари, "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида замонавий дарсларни ташкил этиш учун мунтазам фаолият олиб бормоқда.

Ўқиш, ўқитиш фаолиятига назар ташланса агар, бу маскандан мактабгача таълим муассасалари учун, ўрта мактаблар, уларнинг бошланғич синфлари учун етук муаллимлар, тарбиячилар етишиб чиқишига имон келтирасиз. Ўқитувчиларнинг барчаси ўз касбининг фидойиси, эл ва Ватан камоли йўлида ўз касби ила улуш қўшаётган тажрибали мутахассислардирлар. Уларнинг сафида 25 нафар Ўзбекистон халқ таълими аълочилари, 22 нафар олий тоифали, 40 нафар 1-тоифали ўқитувчилар хизмат қилмоқда. Шулардан, А. Элмуродов, С. Мамажонова, У Мелиева, Ш. Эргашева, А. Сатторов, К. Пирнаев, Г. Қудратова, Б. Боймуродов, Л. Элмуродова сингари фидойи муаллимларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Билим юрти жамоасига, ҳозирги раҳбариятига уни ташкил этишда фаол бўлган ва узоқ йиллар шу ерда раҳбарлик қилган тажрибали, устоз муаллим Абдураҳмон ака Қодировнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари ҳам бениҳоя асқотмоқда.

Бу масканда маънавий-маърифий тадбирлар чин маънода илм ва маърифат байрамларига айланади. Имом Бухорийнинг 1225 йиллиги, Ал Фарғонийнинг 1200 йиллиги, Алишер Навоийнинг 558 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирлар бунга мисол бўла олади. Айни пайтда «Алпомиш» достонининг тўйига мўлжаллаб фольклор дастаси тузилган. Бундан ташқари «Ёшлик» ансамбли ҳам талабаларнинг маданий-маънавий ҳаётлари қизиқарли ўтишига хизмат қилмоқда.

Бу масканда бир ажиб удум бор: ҳар душанба куни дарсдан аввал Ўзбекистон Мадҳияси ижро этилиб, озод Ватанимиз Байроғи кўтарилади. Шанба куни дарсдан кейин эса Мадҳия ижроси билан Байроқ туширилади. Бу — ғоят ғурурбахш, фахру ифтихорга тўлиқ бир лаҳзалардир. Демак, Ватан – дарсдан, уни ўрганишдан, маънисига, моҳиятига етмоқдан ва Ватан учун комил-баркамол фарзандлар бўлиб етишмоқдан бошланади. Унинг истиқболи эса шу фарзандларнинг чеҳралари янглиғ порлоқ ва саодатлидир.

С. МУҲАММАДСАЙЙИД

ҲАЁТ КИТОБИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

Dil izhori

Устозни ҳар ким ўзича таърифлайди. Шоир учун у мисли қуёш, олимга зукко,донишманд. Бу ўхшатишу тавсифларни чексиз давом эттириш мумкин.

Устозлик маснадига эришган Умар ака Одиловдаги тўрт жиҳатни эътироф этгим келади. Аввало, самимий муносабати ибратли. Умар акага қандай масала билан мурожаат қилишмасин, баҳолиқудрат ёрдам ва жўяли маслаҳатларини аямайдилар.

Муаллимнинг иккинчи сифатини дарс жараёнида кўрганман. Ҳар бир дарсга тайёргарлик кўриш баробарида тарқатма материаллар орқали мавзуни бугунги кунга боғлаш, энг долзарб сиёсий масалаларни ҳал қилишда мамлакатимиз тутган мавқе борасида фикр юритиш ўқитувчидан катта билим ва маҳорат талаб этади. Харита ва конспект билан ишлаш ва оғзаки савол-жавоблар, шунингдек, янги мавзуни ўтган мавзуга боғлаган ҳолда жонкуярлик билан тушунтириш устозга хос маҳоратнинг нишонасидир.

Устоздаги инсонийликнинг учинчи жиҳатини оилада кўрдим.

Ёзги таътил вақтида битирувчи синфлар учун тест савол-жавоблари зарур бўлиб, у кишининг уйларига бордим. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, ўртада гулзор. Келинлари очиқ чеҳра билан кутиб олди. Иш кабинетида бир оз суҳбат қургач:

— Умар ака, келинлардан серобми? — дея сўрадим.

— Икки келиним, бир қизим бор. Учта қудалиман. Худога шукр, неваралардан кўп. Ўттиз йилдан бери маҳаллада котиблик қиламан. Кўриб турибсиз, даврнинг шиддати баланд. Замонга ҳамнафас бўлмасанг, орқада қоласан. Президентимиз ўз-ўзини бошқариш сиёсатини маҳаллалардан бошлаш зарур дея зиммамизга шарафли ишни юкладилар. Бундай маҳалда уйда бекор ўтириб бўлмайди...

Умар аканинг тўртинчи жиҳати маҳалла аҳлига раҳнамолигида, десам муболаға бўлмайди. Уйларида бўлган суҳбатда маҳалла-куйнинг иши оғирлик қилмайдими, деган мазмунда саволни берувдим, мийиғида кулиб: «Агар одам ўзини бошқаларга кераклигини ҳис қилса, ундан бахтлироқ одам йўқ бу дунёда» дея жавоб бердилар.

Оилада меҳрибон ота, мактабда етук педагог, маҳаллада ҳурматга сазовор оқсоқол – Умар ака ҳаёт китобининг мундарижаси ана шундай.

Азиз устозимизга Оллоҳдан соғлик, саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайман. Ҳамиша фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига соғ бўлинг!

Ақида ШАМСИЕВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 157-мактаб ўқитувчиси

"СУВ — ҲАЁТ МАНБАИ" МАВЗУИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ИНШОЛАР ТАНЛОВИ

Ҳурматли ўқувчилар!

Биламиз, бугунги кунлар кимлар учун синовлар палласи, кимлар учундир таътилнинг бошланиши. Бироқ ҳеч биримизнинг сувдан фойдаланмаган кунимиз йўқ. Сув борки, тириклик бор. Орол муаммоси эса ҳамон ечилгани йўқ. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Оролнинг чекиниши тўхтади. Галдаги навбат денгиз сувини кўпайтириш, Оролни ўз ҳолига қайтаришдир. Мутахассисларнинг фикрича, сувни тежаб ишлатсаккина Оролнинг суви кўпаяркан. Бунда деҳқон ерга меъёридан кўп сув ишлатмаса, ҳар биримиз водопровод жўмрагидан сувни шалдиратиб оқизиб қўймасак, Орол томон оқаётган ариқларнинг йўлини камроқ тўссак, сувни ифлосламасак ва ҳоказо қатор савобли ишларга бош-қош бўлсаккина ниятимизга эришамиз. Хўш, бу йўналишда сиз қандай ҳаракат қилмоқчисиз?

Боболарнинг сувни тежашлари, тоза сақлашлари миллий анъаналаримиз, миллий қадриятларимиз яратган муҳит натижасида пайдо бўлган сув ҳақидаги ривоят ва ҳикоятларни иншоингиз мазмун-моҳиятига сингдириб ёзсангиз нур устига аъло нур бўларди.

Танловга 5-11- синфлардаги барча ўқувчилар иштирок этишлари мумкин. Иншоларга нуфузли ҳайъат аъзолари баҳо берадилар. Энг яхши деб топилган иншо соҳибларини мукофотлар кутмоқда, шунингдек, биринчи ўрин соҳиблари ёзган иншолар «Маърифат» газетасида чоп этилади.

Изоҳ: Танловга иншоларни қабул қилиш ва жўнатиш (почта орқали) муддати 25 июнгача.

ТАНЛОВ ҲОМИЙЛАРИ:

Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ва GEF агентлиги «Жамоатчилик фикрини шакллантириш» В компонентининг миллий гуруҳи

Orol dardi — mening dardim

СУВ ТЕЖАНГ, АВЛОДЛАР ДУОСИНИ ОЛАСИЗ

Табиат ва унинг бағридаги барча тирик мавжудот сув билан ҳаётдир. Сув табиат инъоми бўлиб, унинг кўп-озлиги, сифати табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлса-да, бугунги даврга келиб инсоннинг ўз яшаш тарзини шакллантириш борасидаги ҳаттиҳаракатлари сувга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Худди шу боис сув билан боғлиқ оламшумул муаммолар юзага келмоқда.

ХХ асрнинг сўнгги чораги сувдан фойдаланиш борасидаги инсон фаолияти оқибатида юзага келган Оролнинг қуриши бугунги кунда минтақамизнинг энг катта муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Бу муаммо ечилиши учун қатъий хулосалар ясаш, тадбирларни йўлга қўйишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг тутган ўрни халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътироф этилиб келинаяпти. Дейлик, кейинги икки йилда амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ Оролнинг ортга чекиниши жараёнининг тўхтатилганлиги бу борадаги биринчи ва туб бурилиш ясовчи ютуқдир. Шу йил 9 апрел куни минтақамиз мамлакатлари раҳбарларининг Ашхободдаги саммитида бу воқеа эътироф этилар экан, шу йиллар давомида Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг Президенти бўлган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бу борадаги фаолиятига ҳам юксак баҳо берилди. Шу билан бир қаторда Ислом Каримов нутқида таъкидланганидек, Орол учун минтақамиз мамлакатлари томонидан ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Ҳали минтақамизда сувнинг беҳуда сарфи давом этмоқда.

Минтақамизда сув заҳираларининг асосий истеъмолчиси суғорма деҳқончилик ҳисобланади. Бу фаолият илдизлари эрамиздан аввалги VI-VII мингйилликларга бориб тақалса-да, ХХ асрда ниҳоятда ривожланди. Аср бошида 2,3—3,5 млн. гектарда деҳқончилик қилинган бўлса, 90-йилларга келиб суғорма экинзорлар кўлами 7959,6 млн. гектарга етди. Умумий сув заҳиралари (116,7 миллиард метр куб.) нинг 91,6 фоиз истеъмолчиси ҳам суғорма деҳқончиликдир.

Суғорма деҳқончилик туфайли минтақамиз, жумладан, республикамиз ер майдонлари сув кўп сарфланадиган объектга айланди. Бу ўз-ўзидан муҳитнинг кескин инқирозини юзага келтирди. Жумладан, Амударё ва Сирдарё ҳавзаси майдонларида суғоришдан ҳосил бўлган ташландиқ сувлар ҳосил қилаётган кўллар миқдори 1990 йилга келиб 173 тага етди. Улардаги сув ҳажми 51 млрд. м³ дан ошиб кетди. Бу ҳозирги Орол ҳолатининг олтидан бир қисми демакдир. Бугунги кунда ташландиқ кўлларнинг энг йириклари Сариқамишда – 28,5 млрд. м³, Айдаркўлда – 11,6 млрд. м³, Денгизкўлда – 3,0 млрд. м³ сув мавжуд.

Дарё ўзанларининг қуйи қисмларида сув миқдори ва сифати жиҳатидан инқирозга учради. Шундай қилиб, бугунга келиб бошланғич даражасига етиш учун Амударё ва Сирдарё орқали денгизга 10 йил мобайнида ҳар йили камида 60 км³ сув қуйилиб туришини тақозо этади.

Юқорида Оролни ҳозирги даражасида сақлаш ва келажакда уни сув билан тўлдириб бориш учун асосий тадбир сув тежамкорлигига эришиш зарурлигини таъкидладик. Бу борада илмий даргоҳимизда бир неча йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, сув тежамкорлигига эришишнинг қуйидаги йўллари устида илмий ва амалий тадбирлар таклиф этилаяпти. Булар тежамкор суғориш техникаси ва технологиясини тадбиқ этиш, сувдан фойдаланишнинг ташкилий тизимини такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг оқилона усулларини жорий этиш, тупроқ унумдорлиги ҳисобидан биологик талабларини қондиришга қаратилган оптимал суғориш режаларини тавсия этиш; суғориш тизимларини қисман ва комплекс реконструкция қилиш; сувдан оқилона фойдаланишни рағбатлантирувга қаратилган иқтисодий талабларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш кабилардир.

Тўғри, техник ва технологик тадбирлар анча қиммат. Шунинг учун Республикамизда кейинги йилларда сув тежамкорлигига эришишнинг ҳам ижобий, ҳам кам харажат тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, ўсимликларни суғориш режимини имитацион моделларини яратишда ЭҲМ ёрдамида оператив ечимларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир. Бу жараён тупроқ, сув ва ўсимлик ҳақидаги тўлиқ ахборотлар ёрдамида амалга оширилади.

Маълумки, сув иншоотларининг асосий қисми пахтачиликни сув билан таъминлашга мўлжалланган эди. Кейинги йилларда бу майдонларнинг талайгина қисми дончиликка қаратилди. Бу баъзи иншоотлардаги сув беҳудага сарф бўлиши эҳтимоли пайдо бўлди, деганидир. Шу боисдан иншоотларни паспортлаштириш, экин майдонлари структурасини иншоотлар имкониятига имкон қадар мослаштириш зарур бўлади.

Шунингдек, уруғни плёнка остига қадаш ҳам сув тежамкорлигида ўз самарасини бераяпти.

Исроилда 70-йилларнинг охирларида ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш усули сув тежамкорлигида беқиёс аҳамият касб этади. Институтимиз олимлари ушбу технологиянинг анча соддалаштирилган, кам харажатли усуллари, яъни томчи оқизиш технологиясини яратиб, Навоий вилоятида синовдан ўтказишмоқда. Фарғона водийси вилоятлари ҳамда бошқа қатор тоғ ён бағри ҳудудларидаги суғориш системаларини юқоридан пастга қараб жойлашганлигини ҳисобга олиб суғоришда яна бир технологик усул тавсия этилаяпти. Бу ердан қайта-қайта фойдаланиш имкониятини кўпайтиришдир.

Сув тежамкорлигига эришиш йўлидаги яна бир тадбир анча мунозарали ва айни пайтда самарали бўлган пуллик сув хизматини ташкил этиш ғоясидир. Бунда, албатта, беҳуда исрофгарчилик учун жазо, намунали истеъмолчи учун рағбатлантириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сув — ҳаёт манбаи. Ҳаёт эса узлуксиздир. Бу ўз ўрнида сув ҳолатининг узлуксизлигини таъминлашдек масъулиятни айнан инсоният зиммасига юклайди.

Эрназар МАҲМУДОВ,
ЎзФА Сув муаммолари институти директори, техника фанлари доктори



Гёте институти, Оролни қутқариш халқаро фонди GEF агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси табиатдан оқилона фойдаланишда жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича миллий Маркази Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Халқаро кунига бағишлаб ўтказиладиган Клаус Штек (Германия)нинг «Атроф-муҳит» плакатлар ва Вячеслав Муромцев (Ўзбекистон)нинг «Атроф-муҳит» карикатуралар кўргазмасининг очилиш маросимига таклиф этишади.

Кўргазма 31 май куни соат 18.00 да очилади.

Манзил: Абдулла Қодирий кўчаси, 5-уй, «Ўзсувқурилиш» концерни биноси.

Тел: 152-70-23, 41-57-19

Ko'ngil bitiklari

ҲИС

Мен кимман, ўзимни билмайман ўзим,
Ҳаёт бўстонимда ҳам тикон, ҳам гул.
Дўстларим теграмда қувонса, мен-чи,
«Муножот»ни тинглаб йиғлайман нуқул.
Бермаса юракка бунча азият,
Оҳ, нечун бундоқ ҳис бердинг табиат?!

Мен кимман, ўзимни билмайман ўзим,
Хаёллар узлатни ошно этади.
Гоҳида кулдириб, гоҳо йиғлатиб,
Бир кун ҳислар мени олиб кетади.
Ўзинг бердинг энди ўзинг қил шафқат,
Оҳ, нечун бундоқ ҳис бердинг табиат?!

Назокат ЧЎПОНОВА,
Деҳқонобод туманидаги 59-мактаб ўқувчиси

КЕЛАРМИКАН МЕН КУТГАН БАҲОР

Кетдилар қиш тўнин ечиб оҳиста,
Кетдику бўронли, аёзли тунлар.
Куртаклар ниш уриб ўрик шохида,
Кўриниб қолибди илк чечак баҳор.
Қароғим йўлингда нурсиз ва ночор,
Эҳ, сени соғиниб йиллар кутганди.
Орзуим сесканиб тунлар ёнингда...
... Йўлингда ҳамроҳинг бўлиб ўтганди.

Хаёлим юраркан сарсон йўлларда,
Муҳаббат қаърига сингиб кетгандай.
Сатрларим йиғлар оқ қоғозларда,
Гўёки мен каби сени кутгандай...

Менчалик севолмас, менчалик кутмас,
Сен бўлмасанг ахир дунё менга тор.
Қалбимда минг афсус, минг битта афсус
Бу йил ҳам келмади мен кутган баҳор.

Ёқуб СУЛТОНОВ,
Пахтакор туманидаги 11-ўрта мактабнинг физика фани ўқитувчиси

«МЕТОДБИРЛАШМА»

(Ҳажвия)

Хўп ажойиб нарса-да,
Шу методик бирлашма.
Ойда бир марта бўлар,
Суҳбату фикрлашма.
Ҳар сафар бир мактабда
Ўтказилар бу тадбир.
Очиғи, бу машварат
Орзиқиб кутиладир.
Айтилган «очиқ дарс»га
Кирамиз биз «тилчи»лар.
Машғулот зўр ўтишин
Олдиндан барча билар.
Таҳлил бўлгач қирқ минут,
Шунчаки ном, исмига.
Ўтилади мажлиснинг
Сўнгра «қарор» қисмига.
Бошланади «чой ичиш»,
Столда «фанта», «кола».
Улар ёнига келиб
Қўшилар «новча бола».
Қизийди суҳбат, гурунг,
Сузиб келинади ош.
Эллик нафар муаллим
Бўп кетар дўст-қариндош.
«Алёр» айтилар такрор,
Гоҳ қизишиб кетамиз.
Сўнг камини ўзимиз,
Шартта ташкил этамиз.
Қисқаси кайфият зўр,
Келамиз уйга қайтиб.
Йиғиндан бўлиб мамнун,
Ҳар хил қўшиқлар айтиб.
Эндиги гал бу тадбир,
Бизнинг мактабда ўтар.
Харажатни беш ҳамкасб
Қиламиз «кўтар-кўтар».
Шиоримиз: «Пул кетса,
Кетсин, кетмасин обрўй».
Насиб этса сўнгги ҳафта
Бизнинг мактабимизда
«тўй»!

Ўткир САИДОВ,
Иштихон тумани

ТАРБИЯЧИ ҚУШЛАР

(Воқеа)

Адҳамшер мелисага тушибди, деган хабар ота-онани ҳангу-манг қилиб қўйди. Нега тушади? Нима қипти экан? Бу саволларга Адҳамшернинг кўчадаги тенгтўшлари жавоб беришди. Маълум бўлишича, у бозорда бир тижоратчининг кўзини шамғалат қилиб, «Сникерс» шоколадини олиб қочадиган одат чиқарган экан. Бу гал тижоратчи атайин пойлаб туриб, уни жиноят устида тутиб олган ва милицияга топширган.

— Мана, сенинг тарбиянгнинг оқибати! — хотинига ўшқирди эр. — Боланинг кўнгли нимани истаса, муҳайё қилдинг, қанақа эркалик қилса кўтардинг. Фарзандга меҳрибонлигингни элмаҳаллага кўз-кўз қилиш учун болага нуқул чет эл кийимларини кийдириб, бойваччадай қилиб ўстирдинг. Мана натижа!

— Ҳо-о, энди мен айбдор бўлиб қолдимми? Уни бировнинг «Сникерси»ни ўғирлаб қоч деб, мен ўргатибманми? Ҳамма айб ўзингизда. Тижоратчиман, пулим жарақ-жарақ, деб керилиб юрасиз-у, бола билан ишингиз йўқ. Тонг азонлаб чиқиб кетиб, ярим кечада келасиз. Якка-ягона фарзандим қандай ўқияпти, тани-жони соғми, хулқи қанақа, деб сўрашга вақтингиз йўқ. Билганингиз пул. Пул ўлсин илойим, одамни шунчалик бедаво қилиб қўядиган бўлса!

Эр-хотиннинг жанжали шу тарзда авж олиб бораётгани устига, эшик тақиллаб қолди. Очиб қарашса, Адҳамшернинг синф раҳбари.

— Кечирасизлар, — деди у, — ўғилларингиз ҳақида гаплашгани келувдим. Икки ҳафтадан бери мактабга қадам босмайди. Сабабини билсам бўладими? Хабарларинг борми ўзи?

— Ие, ҳар куни биздан овқат пули олиб, сумкасини қўлтиқлаб кетарди-ку? — ҳайрон бўлди ота.

— Ўртоқларининг айтишича, сумкасини қаергадир қолдириб, бозорма-бозор юрармиш, ҳатто чўнтаккаям тушаётганмиш.

Адҳамшернинг милицияга тушганиям бир бўлди-ю, ўқитувчининг бу гапи ҳам бир бўлди. Эр-хотин нима қилишларини, нима дейишларини билмай, эс-ҳушларини йўқотганча ўтириб қолдилар.

Ўтириш билан иш битмасди, албатта. Учовлашиб ички ишлар бўлинмасига боришди, тилхат ёзиб бериб, милиция ходимлари ва тижоратчидан қайта-қайта узр сўраб, Адҳамшерни гаровга олиб чиқишди.

Энди нима қилиш керак?

Адҳамшернинг тарбияси анчайин бузилиб бўлган эди. У мактабга бормай қўйган, умуман ўқишдан ҳам, бошқасидан ҳам кўнгли совуган, энг хавфлиси қўли эгри бўлиб бораётган эди. 12 ёшида ўғирликка ўрганган боладан келажакда товламачи, фирибгар чиқиши ҳам мумкин. Адҳамшер худди шу фалокат ва қабоҳатнинг остонасида турган эди.

— Афсуски, Адҳамшерга ўхшаган болалар шаҳримизда оз бўлса-да бор, — деди ўқитувчи боланинг ота-онасига қараб. — Келинглар, афсус-надомат қилиб ўтирмай, уни тўғри йўлга солиш чорасини қидирайлик.

— Айтинг, нима қилайлик, — сўрашди эр-хотин бараварига.

— Адҳамшер қуйи синфларда ўқиб юрган чоғида қушларни жуда яхши кўришини сезгандим.

— Севса нима бўпти? — лоқайдгина сўради она. — Неча марта тўтиқуш, саъва, беҳана олиб беринглар, деб қисталангга олувди. Ҳатто йиғлаган ҳам. Лекин олиб бермаган эдик.

— Катта хато қилган экансизлар. Ҳалиям бўлса кеч эмас. Қушларда ажойиб хислат бор. Улар одамни анча мулойим, меҳрибон, раҳмдил, серзавқ қилиб қўйишади. Бундан ташқари бола кичиклигидан нимагадир қизиқади, нимагадир меҳр қўйиб, шунга интилади. Агар ота-она унинг шу қизиқишини, шу интилишини сезмаса, ёки назар-писанд қилмай, унинг қалб шишасини синдирса, бола ҳамма нарсага бефарқ, лоқайд бўлиб қолади, ва охир-оқибат, бузила бошлайди...

... Мана шу воқеадан уч ойча вақт ўтди. Ҳозир Адҳамшернинг уйида камёб ва сайроқи қушларнинг ҳар хилидан бор. У мактабдан келади-ю, минг рангда товланувчи тўтилари, қумрилари, майналари билан овора бўлади. Хонаки қушлар ҳақидаги китобларни ўқийди. Ота-онасига тўтиқушлар ҳақида соатлаб завқ-шавқ билан гапириб бера олади. Энди уни мактабда ҳам қушлар билимдони сифатида танишади. Кўп болалар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам тўтини, булбулни, товусни қандай парвариш қилиш, қандай кўпайтириш ҳақида ундан маслаҳат сўраб турадилар.

Онанинг боши осмонда:

— Ё, тавба, — дейди ёқа ушлаб. – Бизки, йўлга сололмаган болани тилсиз тўтиқуш йўлга солиб қўйди-я.

Гулбаҳор СОДИҚОВА,
Балиқчи туманидаги 39-ўрта мактаб ўқитувчиси

Xullas...

ҚИММАТГА ТУШГАН САЙР

Ит билан сайр қилиш қимматга тушиши Бразилиянинг Манаус шаҳрида яшовчи Нильс Пиасснинг хаёлига ҳам келмаган эди. Аёлнинг узун юнгли Луна лақабли лайчаси кўчада кетиб бораётган маҳаллий суд вакилларига қараб шу даражада вовуллаб бердики, шўрликларнинг ўтакаси ёрилаёзди.

Ит эгаси жабрланувчиларнинг суд хизматчиси эканлигини қаёқдан билиб ўтирибди? Билгандаку, Лунани бундан огоҳ этарди, ҳарқалай ўргатилган ит...

Орадан кўп ўтмай, итбоқарни полициячилар ўраб олишди. Шошиб қолган аёл гап нимадалигини тушуниб, кечирим сўрашга тушди. Афсуски, ғишт қолипдан кўчган эди.

Бир неча кун қамоқхонада ўтириб чиққан итга шундай ҳукм чиқаришди: «Жамоат жойларида безорилик қилгани учун бир йилгача кўчага чиқарилмасин. Эгасига эса 650 доллар миқдорида жарима солинсин!»

ЖОНИ ҚАТТИҚ ҚЎНҒИЗ

Россия Фанлар академиясига қарашли Узоқ Шарқ биология-тупроқшунослик институти олимлари Уссурия тайгаларида шу вақтга қадар фанга номаълум бўлган ҳашаротлар тўдасига дуч келдилар. Биологлар илмий-тадқиқот ишларини ҳали тугатишгани йўқ. Уссурия тайгасига қараб оқувчи тоғ жилғаларида, аниқроги, тошлар орасига уя қурган бу ҳашарот турини институт ходими Герман Лафер кўриб қолди.

Тошлар тагида жон сақлаётган қўнғизлар қазилма турларга мансуб, деб тахмин қилинмоқда.

ЭНГ ЗЎР ВАКЦИНА

Қозондаги 103-мактаб ўқувчилари сават-сават саримсоқ билан оталиқдаги болалар уйига кириб боришди. Илғари уларнинг совғалари бошқача бўларди: рўмолча, ўйинчоқ, қўғирчоқ учун кўйлак ва пайпоқлар.

Тарбиячиларнинг талабига мувофиқ, ёш «шеф»лар турли ширинликлар билан биргаликда саримсоқ ва пиёз келтиришди. Турган гапки, болалар ширинликка ёпишишди. Аммо мавриди келадики, саватдаги саримсоқ уларга вакцина вазифасини ўтайди. Тумовлаганда, саримсоқ ва пиёз истеъмол қилиш жуда фойдали.

«Урмондаги яланглик» деб номланган интернат тарбияланувчилари эса бу ҳақда билмасалар-да, Чипполино ва унинг дўстлари тўғрисидаги мультфильмни яхши эслашади.

ЎЗИГА ЭМАС, НЕВАРАСИГА

Сатка шаҳри фуқароси 95-ёшдаги кампир Д. Максимова Президент Ельциндан ажойиб совға олди. Ўзи учун эмас, неварасига.

Қатағон йилларида ноҳақ судланган кампир ўзининг муборак ёшида Президентга мактуб йўллаб, арзимас совғага ҳам шаъма қилган эди.

Мана, кампирнинг шикаста дили ёришди. «Коника» фотоаппарати билан неварасини хурсанд қилди.

ana shunaqa gaplar...

O'qituvchi yon daftaridan

Ўқитувчи биласизми нега тез қарийди? Чунки ҳар йили ўз ўқувчиларини учирма қилаётганида юрагининг бир банди узилиб кетаверади.

x x x

Ўқувчилик даврим қайтиб келса борми, ҳар куни синф навбатчиси бўлишга ҳам рози эдим...

x x x

Уй-жойидан ортса қўни-қўшнисидан ортсаю яна 20-30 чоғли болаларга таълим берса эҳ, тасанно бу устозларга...

x x x

Ажаб ҳозирги ўқувчилар ўқитувчилардан яхши кийинадиган бўлиб қолди-я. Шу яхшимикан?

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли,
Шайхонтоҳур тумани

КУЛГИГА НИМА ЕТСИН!

— Ҳой, бола, боядан бери ёмғирда турибсан? Шалаббо бўлиб кетдинг-ку?

— Мен уйдан қочиб кетдим. Чўмилтиришмоқчи бўлишувди.

* * *

— Ўғлим, синфингда сендан яхшироқ бола борми?

— Ҳа, дадажон, — дейди ўғли хўрсиниб, — бир бола бор, роса қулоғини қимирлатади. Ҳеч ким унчалик қилолмайди.

* * *

— Сени отанг уришадими, Туроб?

— Йўқ. Мен тўққиз ака-уканинг кенжасиман. Навбат менга келгунча дадам чарчаб қолади.

* * *

Ҳакимжон уч-тўртта одамнинг ёнига борибди:

— Амакижонлар, увулдириқ ейсизларми?

— Ҳа, еймиз.

— Увулдириқ еганларингда мени ҳам чақиринглар!

* * *

Ўқув йилининг охири. Ўғил отасига:

— Дада, дадажон! Бахтли одам экансиз.

— Нега?

— Янаги йилга менга дарслик сотиб олмайдиган бўлдингиз, синфда қолдим.

Тўпловчи: Мулла ЖАМШИД

Sport

УЧИНЧИ УЛКАН ЗАФАР

Европа чемпионлари лигасининг кубоги эгаси аниқланди. Германиянинг «Бавария» жамоаси Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоасидан мағлубиятга учради. 2:0 ҳисоби билан муваффақиятни қўлга киритган «Манчестер Юнайтед» ўз тарихида учинчи бор бундай юқори даражага эришди.

ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент Давлат университетининг спорт мажмуида республика олийгоҳлари талабалари ўртасида беш спорт тури бўйича 1-Универсиада бўлиб ўтмоқда. Унда спортчи талабалар баскетбол, қўлтўпи, стол тенниси, шоҳмот ва мини-футбол бўйича беллашмоқдалар. «Ёшлар» радиоканали ва «Nescafe» қўшма корхонаси ҳомийлик қилаётган бу спорт тадбирида республикамизнинг 19 та олийгоҳи вакиллари қатнашмоқдалар.

ҚИТЪА ЧЕМПИОНАТИ ЯКИНЛАШМОҚДА

Осиё футбол Конфедерацияси қарорига мувофиқ, қитъа биринчилиги 2000 йили Ливанда ўтказиладиган бўлди. Мазкур нуфузли мусобақада қатнашиш учун Осиёнинг 44 давлати тайёргарликни бошлаб юборган. Қитъанинг ғолиби аниқланадиган ушбу мусобақалар шу йилнинг 3 августидан бошланади.

ФАРҒОНАЧА УСУЛДА КИМ ЗЎР?

19-22 май кунлари Андижонда миллий курашнинг фарғонача усули бўйича республика чемпионати ўтказилди. 50 нафарга яқин полвонлар иштирок этган беллашувлар натижасида умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти биринчи, Наманган вилояти иккинчи, Фарғона вилояти полвонлари эса учинчи ўринни олишга муяссар бўлдилар.

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ ҚЎЛГА КИРИТИЛДИ

Мамлакатимиз велоспортчилари Туркия Президенти соврини учун ўтказиладиган кўп кунлик халқаро велопойгада муваффақиятли иштирок этдилар. Ҳамюртларимиз саккиз босқич натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Болгария, учинчи ўрин эса Миср спортчиларига насиб этди.

Maktab o'quvchilari V respublika spartakiadasi

БАДИЙ ГИМНАСТИКА

Марказий ҳарбий спорт клуби залида тўрт кун давом этган нафосат кўриги-бадиий гимнастика мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда Навоий, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкент, Андижон вилоятларидан қатнашган 83 спортчи спорт усталигига номзод, спорт устаси дастури бўйича ғолиблик учун беллашди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри спортчилари 179.61 балл тўплаб, спартакиада чемпиони бўлишди. Навоий вилояти (177.75 балл) вакиллари иккинчи, бухороликлар (174.15 балл) учинчи ўринни олишди. Тошкент ва Андижон вилоятлари спортчилари охирги ўринларни эгаллашди.

Спорт усталигига номзодлар дастури бўйича кўпкурашда Тошкент шаҳри вакили Ира Колегарова биринчи ўринни олди. Спорт устаси дастури бўйича кўпкурашда навоийлик Настя Берестецкая спартакиада чемпиони бўлди.

ТЕННИС

Қарши шаҳридаги «Шўртан» ўйингоҳи марказий кортларида бир ҳафта давомида теннис беллашувлари бўлиб ўтди. Мусобақаларда Наманган вилоятидан ташқари барча вилоят командалари қатнашди.

— Мусобақа қатнашчилари учун Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, ҳомий ташкилотлар томонидан зарур маданий-маиший шарт-шароитлар яратиб берилди, — деди мусобақа бош ҳаками, спорт устаси Николай Шутов. — Аввалги йиллардагига нисбатан Сирдарё ва Навоий вилоятларида спортга қизиқиш ошганлиги кўзга ташланди.

Мусобақа якунларига кўра, пойтахт теннисчилари спартакиада ғолиби бўлишди. Фарғоналиклар иккинчи, майдон эгалари — қашқадарёликлар учинчи ўринни олишди. Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари турнир жадвалининг охирида қолишди.

Шахсий беллашувларда ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳри вакили Т. Аблаев, қизлар ўртасида андижонлик Ф. Ғафурова спартакиада чемпионлари бўлишди.

Жуфтлик мусобақаларда тошкентлик Л. Франгулян – К. Безверхова ҳамда қашқадарёлик М.Идрисов, С.Тоировлар ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олишди.

Спартакиада ғолиблари ва совриндорларга диплом ва ҳомий ташкилотлар совғалари топширилди.

Ғ. МАННОПОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти вакант лавозимларига танлов эълон қилади

1. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, ўқув-методик ишланмалар, таълим стандартлари ва ҳунармандчилик йўналишлари бўйича лабораториялар мудирлари (фан доктори ёки фан номзоди).

2. Катта илмий ходимлар (фан номзоди).

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг бир ой давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 7-уй.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти. Кадрлар бўлими

телефон: 136-23-27

телефакс: 136-22-12

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади. Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0369. Тиражи 47.450. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.